O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

O'zMTDP

# Миллий Тиклани ш

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси | 2000 йил, 19 декабр | 15 (232) - сон

Янги аср арафасида

## ИСТИҚЛОЛНИНГ ОҚИЛ СТРАТЕГИЯСИ

Парламентимиз янги минг йиллик арафасида Ўзбекистон халқига йўллаган мурожаатида маълум маънода йигирманчи аср, ўтиб бораётган иккинчи мингйиллик билан хайрлашди. Хайрлаша туриб янги аср — янги мингйилликнинг дарвозасини очди.

Ҳар бир воқеа-ҳодисанинг албатта ўз нисоби ва ўз чўққиси — апогейи бўлади.

ХХ асрнинг нимасини айтасиз, юракларимизни беармон зириллатди. Ҳаётимизга кўп ларзалар солди. Ойга учдик. Марсга етдик. Орада Орол қуриди. Ер юзини шўр босяпти. ХХ асрнинг тиним билмаган қонли можароларига, инсон телбаликларига ҳар биримиз гувоҳ бўлиб турибмиз.

Беҳбудийлар, фитратлар, қодирийлар, чўлпонлар, авлонийлар ХХ асрнинг эшикларини озодликни орзу қилиб очишга интилганлар, бу аср Ўзбекистоннинг мустақиллик асри бўлишини ҳар нарсадан ортиқроқ истаган ва шу йўлда ортга қайтмай кураш олиб борган эдилар. Уларнинг муқаддас орзулари, интилишлари аср сўнггида рўёбга чиқди.

Кимгадир Ойга чиққани, Марсга учиб унинг тупроғи сувратини олиб қайтгани тенгсиз мўъжизадир. Бизнинг мўъжизамиз ХХ асрнинг шу каби бошқа мўъжизаларидан асло қолишмайди. Балки ўша мўъжизалар сафида порлаб туради. Ўзбекистоннинг ХХ асрдаги энг буюк мўъжизаси — унинг истиқлоли. Унинг озодлиги. Бу АмирТемурдан кейинги тарихимизнинг ҳақиқий маънодаги чўққиси, апогейидир. Инсонга озодликдан кўра қимматлироқ ва қадрлироқ нарса йўқ. Бошқа барча қадриятлар фақат озодлик бўлгандагина яшайди ва ўсади. Бугун миллий тил озод, тарих озод, маданият, маънавият озод ва ҳар қандай таҳдидли таъсирларга қарши туриш қудратига, ривожланиб бориш лаёқатига эга. Президентимиз миллий мафкура тизимларини яратиб, тизимларнинг бир мустаҳкам учини тарих қаърларига ташлаб, истибдод ва тоталитаризм зулми остида қоронғуликка ботган тарихимиз маконларидан Амир Темурлар, Улуғбеклар, Бобурлар, Имом Бухорийлар, Имом Термизийлар, Фарғонийлар, Марғинонийлар, Моторидийлар ва ўзга улул-азм алломайи замонларни бугунги ҳаётимизга етаклаб олиб кирди. Бугун улул-азм инсонлар — аждодларимиз биз билан биргаликда истиқлолни қурмоқдалар, давлатимиз ва халқимизнинг туб ўзагини мустаҳкамламоқдалар. Буларни Ўзбекистон дунё олдида мақтаниш, ўз тарихини кўз-кўзлаш учун қилаётгани йўқ. Буни истиқлолимизни бутун тарихимизнинг қудрати баробарида қуриш зарурлигини англаганимиз учунгина, истиқлол, озодлик, яхши иш, яхши сўз, яхши ният бутун анъаналаримизга теран сингиб кетганлигидан инсоний ифтихор туйибгина адо эта борамиз. Тарихдан қувват оламиз. Тарихга қувват берамиз.

Кўринг, мустақиллик туфайли қарамлик нималигини билмайдиган наслимиз вужудга келди. ХХ асрнинг биз учун қиммати— у келажак бугинларимизга, наслларимизга мустақиллик ва озодликни мерос қилиб қолдираётганида.

ХХI аср ХХ асрга ўхшармикин? Қадимсўзли ўзбекда онасини кўриб боласини ол, деган ҳикмат бор. Келар аср бизнинг асримиздан туғилади. У тамомила ўзгача аср бўладими? Унинг ўзгачалиги ер юзидаги одамларнинг, сиз билан бизнинг қандай бўлишимизга боғлиқ.

Кўнгилдаги дарду ғам аввалгиларга ўхшамас, дейди Навоий. Ҳаёт ҳеч қачон бир ерда турмайди. Аср бошидаёқ айтайлик, гўзал шоир Муқимий билан Беҳбудий ўртасида маълум даражада фарқлар бор эди. Фарқ шуки, Беҳудий ўз юртининг озодлиги ҳақида қайғура бошлаган эди... Биз кечагиларга ўхшамаганимиздек, эртангилар ҳам бизга ўхшамайдилар. Лекин одамийликнинг янги даражаси, маданийликнинг янги даражаси юзага чиқиши тайин. Биз келар наслларга қанчалар мураккаб ва ибтидоий бўлиб кўринмайлик, улар яратадиган , амал қиладиган одамийлик ва маданийлик биздан бошланади.

Насносни одам этмак бўлмас —

дейди Навоий. Насносни ХХI аср ҳам ўз технологик қудрати билан ҳам одамга айлантиролмайди. Маймун ўз тўдасига ҳужум қилмайди. Ўз жонли тўдасига ҳужум қиладиган насносларни эса инсоният эндиликда тўла жиловлаб олади.

ХХI аср янги уч мингйиллик билан бирга ҳаётимизга шитоб билан кириб бормоқда.

Инсоният ХХ аср билан хайрлашмоқда. Унинг улуғ кашфиётлари каби фожиалари ҳам ортда қолмоқда.

Ер юзидаги барча катта-кичик мамлакатлар, барча миллатлар, элу элатлар, қавмлар тақдири, яшаш тарзи, тафаккури ҳамда дунёқарашларида унутилмас излар, муҳрлар, жароҳатлар қолдириб, тарихга айланмоқда.

Биз яшаган бу замон қандай замон эди? ХХ аср қандай аср? У инсониятга нима қолдирди? Одамзод кейинги юз йил ичида нималарга эриша олди? Қандай қадриятларни замоннинг уруш, йўқотиш, зўрлик, зулм, фашизм, тоталитаризм, диний экстремизм сингари мудҳиш ҳодисаларида йўқотди, бой берди?

ХХ аср якунида инсон одамзоднинг барча доно файласуфлари орзу қилган тараққиёт чўққиларига кўтарила олдими ёки таназзул ҳамда пайдарпай бостириб келган бохронлар исканжасида ўз ожизликларига занжирбанд бўлиб қолмоқдами?

Олдимизда номаълум ва нотаниш аср. Инсон боласининг сарҳисоб чоғи саволлари қанчалик безовта ва изтиробларга тўла бўлмасин, келаётган аср — келажак бизнинг ўзимиздан, бизнинг ўй, хаёл ва орзуларимиздан, бугунги меҳнат, интилишларимиздан, муаммоларимиздан, фаровон ҳаёт йўлидаги курашларимиздан, қутлуғ умид, ёруғ ниятларимиздан бошланади.

Босиб ўтилган йўлларнинг, қийин, мушкул довонларнинг сарҳисобини қиладиган пайт келди.

Янги аср ҳар биримизнинг қутлуғ остонамизда дарвозаларимизни тақиллатиб турган, кўксимизга келажак замонларнинг эркин, мусаффо нафаси урилаётган ушбу бебаҳо дамларда кўз ўнгимизда кечаги ва бугунги Ўзбекистон қад ростлайди.

ХХ асрнинг охирги ўн йиллигида ўтмишда қарамликка тушган мамлакатларга халоскор ғоялар билан бирга халоскор инсонлар ҳам кириб келди. Улар қарамлик, истибдод, мустабидлик, эрксизликка қарши асрнинг энг сўнги ҳал қилувчи сўзини айтдилар. Ўзбекистон неча асрлар орзу қилган озодлик, тенглик, биродарлик, адолат, инсон ҳуқуқлари уларнинг шижоатли саъй-ҳаракатлари остида халқнинг ҳаётига кирди. Ўзбекистон халқи мустақиллик деган улуғ сўзни илк бора Президент Ислом Каримов оғзидан эшитди.

ХХ аср сўнгида у билан бирга бизнинг тақдиримизга чин маънода тирилиб Амир Темур, Мирзо Бобур, Имом Бухорий, Фарғоний, Жалолиддин Мангубердилар шаҳду шитоб, ғайрату ҳайратлар билан кириб келдилар. Уларнинг сўзлари, ишлари, Ватан йўлидаги курашлари ҳар биримизнинг тақдиримизда акс садо берди.

Тарихан қисқа вақт ичида истибдоднинг оғир занжирлари узилди. Инсон ўз ҳақини таниди. Демократик ғоялар ва яшаш принциплари, қонун устувор кучга айланди. Шулар билан бирга эндиги Ўзбекистон насли эркин бўлиб туғилиш бахтига эришди.

Мана, ўн йилдирки, Ўзбекистон халқи мустақилликнинг тинч ғалабасидан баҳраманд ва унинг соясида ўз турмушини эркин қурмоқда. Мамлакат таниб бўлмайдиган даражада ўзгарди. Мамлакат билан бирга унинг фуқаролари ҳам таниб бўлмас даражада ўзгарди. Одамлар ўзларига, ўз келажакларига ишонч билан қарайдиган бўлмоқдалар.

Ўзбекистон демократик, дунёвий, эркин тараққиёт йўлини — ўзбек моделини танлаб олди. Демократик , дунёвийлик, илмийлик, эркин маънавий-маърифий қадриятлар Ўзбекистонда универсал маданият нишонларини вужудга келтирмоқда. Эркин тараққиёт, умидбахш келажакни қўролмайдиган, наркобизнес, экстремизм, терроризм оғуси билан заҳарланган ғайриижтимоий тўдаларга қарши матонатли курашларда мамлакатда тинчликни сақлаб қолишга муваффақ бўлинди. Янгиланаётган жамият бўлиниб, кетиш хавфидан сақлаб қолинди. Узбекистонда яшовчи барча миллатлар вакиллари — Ўзбекистон фуқаролари билан мамлакатнинг ўзак миллати бўлган ўзбек халқининг бирлиги, ягона оила туйғуси мустаҳкамланди.

Ўзбекистонда таркиб топган мана шу умумхалқ бирлиги, жипслиги, тўла маънодаги ижтимоий аҳиллик — бизнинг ёруғ келажагимиз, иқтисодий, маънавий-маърифий ютуқларимизнинг тамал тошидир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси халққа йўллаган ўз мазмундор мурожаатида шуни қатъий ишонч билан баён қиладики, ХХI асрда халқимизнинг иродаси давлат бошқарувининг том асосига айланади. Ва шу билан бирга умидли ХХI аср одамлар ва халқлар ўртасидаги бирodарликнинг янги саҳифаларини очади. Биз бугун яшаб турган жамиятда бунинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилди.

Эндиликда халқнинг яшаш шароитларини яхшилаш ва яхшиликларни барқарор қилиш биринчи даражали аҳамият касб этади. Ўзбекистоннинг ҳаёт салоҳиятлари кейинги ўн йил ичида изчил тарзда ўсиб-ўзгариб бормоқда. Ўзига хос ва ўзига мос иқтисодий сиёсат моделининг энг яхши қирралари ўз ҳаётийлиги, яшовчанлигини исботлади. Бу яна шунинг учун ҳам аҳамиятлики, Ўзбекистонда демократик миллий давлат қурилишининг ғалабаси дунёда ва айниқса Осиё минтақаларида тинчлик, барқарорлик, ҳамкорликларнинг ривожланишига мислсиз ҳисса бўлиб қўшилади.

Ғарбнинг ҳаёт синовидан ўтган қадриятлари билан Ўзбекистонда шаклланаётган, ҳаётда ўрнини топаётган қадриятларнинг уйғунлашуви жараёнлари ХХI асрда янада кучайиб боради.

ХХI аср арафасида ҳаётий янгиланишлар жараёнида халқимизга бутун ижодий қувват, салоҳиятларини ривожлантириш йўли очилган экан, бу тарихий имкониятни қўлдан бермаслик ҳаммамиз учун бирдай муҳимдир.

Дунё муносабатларининг янги кун тартиби вужудга келаётган ушбу қимматли паллаларда, халқимиз олдида кенг умидбахш уфқлар очилмоқда. Биз буни таъкидлаб айтаётганимизнинг боиси, халқимиз ҳамиша келажакка умид билан қараб келган ва қандай иш бошламасин, қандай ишнинг бошида турмасин, умид билан бошлаган, у бугун эўр умид билан фарзандларини ўқитаётир, замон ихтисосларини эгаллаётир, умид билан маърифатнинг янги чўққиларига интилаётир. Умид билан ўз хонадони, маҳалласи, иш жойи, мамлакат тупроғида соғлом муҳит барпо этаётир. Унинг бу умидли интилишлари ер юзидаги барча халқларнинг олижаноб эзгу интилишларига ҳамоҳангдир.

Қаршимизда бугун кўндаланг турган иқтисодий, ижтимоий ва бошқа муаммоларни ечиш, ҳал қилиш, ер юзида одамдек муносиб, мағрур, кўркам яшашга халқимиз қобил. Бугун унинг инсоний, ижодий қувватлари қулф урмоқда.

ХХI аср — Ўзбекистон Умумжаҳон жабҳасида гуллаб яшнаган диёр бўлажак! Истиқбол сари ишонч билан йўлга чиққан Ўзбекистон карвони ортга қайтмас!

**Иброҳим ҒАФУРОВ**

*Буюк аждодларнинг ворислари, бой тарихий қадриятларга эга бўлган кўпмиллатли Узбекистон халқи ўз олдига улуғ ишларни мақсад қилиб қўйишга ҳақли. Ва у бекиёс анъаналаримиз ҳамда умуминсоний қадриятларга суянган ҳолда ўзининг эзгу мақсадларига етишга қодир.*

*Ўзбекистон — Оллоҳ назар қилган диёр.*

*Янги аср мамлакат учун янгиланиш ва тараққиёт даврига айланишига ишонамиз. Шу боисдан ҳам мустақил юртимизнинг ёруғ истиқболи учун барчамиз ҳамжиҳат бўлиб курашайлик.*

*«Олий Мажлиснинг Ўзбекистон халқига мурожаати»дан.*

Янги аср она ва бола нигоҳидан бошланади

## МИЛЛИЙ ҒОЯ ҚАНДАЙ УЙҒОТИЛАДИ?

***Зиёли суҳбатлардан бирида айтилган шундай мулоҳазали савол диққатимизни тортган эди: «Узоқ йиллар ҳукмронлик қилган, ҳар томонлама тарғиб этилган истибдод даври мафкураси кишилар дунёқарашида, фикрида нега қисқа фурсатда инкор этилди, ғоявий кучини тезда йўқотди? Буни таҳлил қилишимиз керак, албатта».***

***Одамлар мураккаб ҳаётда оддий ҳақиқатлар билан яшайди, ҳар қандай сиёсий саволларга ҳам шу ҳақиқатлар асосида инкор қилиб бўлмайдиган оддий жавобларни беради. Фикримизча, ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик юқоридаги саволнинг жавоби аслида оддий ҳамдир ва у бир сўз билан ифодаланади, барча таҳлиллар эса ана шу сўзнинг турлича изоҳларидир. Яъни истибдод мафкураси ЁЛҒОН асосига қурилган, мудом қайнаб-ишлаб тургувчи инсон тафаккурига догматик ғояларни сингдиришга қаратилган эди. Азалий тафаккур ва тарихий асослардан йироқ, тузум манфаати нуқтаи назаридан халқнинг ўзлигига қарши бўлган бу мафкуранинг бирдан инкор этилиши — ҳар қанча ялтироқ бўлмасин, ёлғоннинг миси чиқиши табиийдир.***

***Катта сиёсий курашлар даврида мафкуравий майдонда кундалик нашрларнинг ғоявий таъсир кучини миллий озодлик ҳаракати намояндалари бўлган марифатпарварлар яхши англаган эди. Бундан жиддий хавф сезган истилочи кучлар улар томонидан чоп этила бошлаган бир неча газеталар фаолиятини кетма-кет таъқиқлаб борди. Ва аксинча, бу каби тарғиб жараёнларини ўз манфаати нуқтаи назаридан чуқур оммалаштиришга киришдилар. Йиллар ўтиши билан ҳукмрон мафкуранинг кундалик тарғиботчисига айланган, ҳар куни ҳар бир хонадонга камида икки-уч нусхадан тўғри келадиган газеталар, шунингдек, кўп жилдли асарлар, қўлланмалар, кўплаб кўрсатув ва эшиттиришлар юзага келди.***

Айниқса, ижтимоий-сиёсий йўналишдаги газеталарнинг узлуксиз нашр этилишидан мафкуравий манфаатдорликни кўзлаган ҳукмрон партия ҳар куни, ҳар соат халқнинг, хусусан, тарихий воқеалардан бехабар ёш авлоднинг диққатини, фикрини ўзига қаратди. Уларнинг ғоявий оламини фақат ўзи ҳақидаги ўйдирма ахборотларга тўлдириб борди. На ички ижодий-тараққийпарвар кучлар, на чинакам ташқи дунё воқелиги бу катта ҳудудда узоқ йиллар мафкура майдонига йўлатилмади. Чунки, халқ тили билан айтганда, рост олдида ёлғон туролмасди. Фақат миллий истиқлол туфайли ана шу, таъбир жоиз бўлса, мафкуравий фашистик диктатура ўз тузуми билан бирга парчаланиб кетди.

Гарчи ҳажвий характерда бўлса-да, таниқли санъаткорларимиздан бирининг бир ҳаётий саҳна — ҳикояси бор. Унда ўша даврда хорижда ижодий сафарда бўлган юртдошимизнинг қалбан қандай ғоялар (аниқроғи, миллий ғоялар) билан яшаётганлиги унинг «кузатувчи»ларсиз пайтда қилган ҳиргойиси билан шундай оддий ифодаланади: «Юрак ёзадиган жой ҳам бор эканку, деб «Жонон бўламан...»ни бошлаб юбордим. Айни авжига келганда беихтиёр девордаги нотаниш қизил туғмачага кўзим тушди. Ким билади, балки бу ҳам «кузатувчи»дир, рангим ўзгарди, ашула ҳам ўзгарди...» Чиндан ҳам, аслида эл-улус ўзлигини, асл қадриятларини севарди, кўнглида азиз тутарди. Жон оташи дилда дейдилар, томир ўз қони билан қизийди, албатта. Шу боис миллий ва умуминсоний қадриятларнинг уйғун ифодасига айланаётган, эркин асосларда муттасил бойитилиб боргувчи бугунги миллий истиқлол мафкураси, унинг ҳаётий ғоялари қалбу тафаккуримизнинг азалий қуйма маъданлари каби табиий ва ёрқин. Шу нуқтаи назардан ҳам у четдан сингдириладиган эмас, балки маърифий-маданий тарғибот йўллари билан оҳиста уйғотиладиган ва собитлаштириладиган ўзлик ғояларининг борлиғидир.

... Радио, ойнаи жаҳонда таралган танбур ёки най ноласи, оқшом чоғи туйҳонада ижро этилган миллий шўх айтим ҳар янграганда бир оҳанг ила ёт мафкура ғафлатларини синдириб юборарди, ҳар бўйи ёш-яланг, эҳтимол қатталарнинг-да хиргойиси бўларди бу ғояга яқин куйлар.

... Мафтункор ва муаззам тарихий обидаларни томоша қилаётган ёш ўсмир қалбида шу лаҳзада нақшин нурлар кезинади, Улуғбек расадхонасини кўриб тафаккури осмон қадар кенгаяди балки.

Айниқса, шиддатга, ажаб қаҳрамонликларга мойил, ҳаёт талабгори шу ёшлар —келажак авлод Ватанимизнинг истиқбол тақдири эканлигини бир лаҳза ҳам унутиб бўлмайди. Бугун киши дийдасини қотирувчи «ужас»лар, маънисиз, тарбияга зид турли филмлар, миллий тафаккурни саёзлаштирувчи енгилелпи ижролар, клиплар томошасидан миллий қаҳрамонларимиз тасаввурини берадиган янги филмлар, санъат асарлари ила уларнинг маънавий оламига мафкуравий куч бағишлаш, ғоявий бўшлиқ муолажасига киришмоқ вақтидир. Ҳар куни ўзига бевосита қуникма ҳосил қилувчи ойнаи жаҳон ва радио, шунингдек, тўй маросимлари, турли мусиқий йиғинларда миллий санъат ижроларига кенг ва муттасил ўрин бериб бориш аста-секин уларнинг миллий маънавий дунёсини тўлдиради, асл руҳиятини уйғотади.

Яқинда нашр этилган «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласида таъкидланганидек, бу ўринда «Маданият ва санъат соҳалари фаолиятининг бутунлай тижорат асосида ташкил этилишига, ғоявий-бадиий жиҳатдан саёз, миллий қадриятларимизга ёт асарларнинг етакчи ўрнини эгаллаб олишига йўл қўймаслик муҳим аҳамиятга эга».

**Ушбу мулоҳазаларни «МТ» орқали билдирар эканмиз, ватанпарвар марифатпарварларнинг асримиз бошидаги маърифий ҳаракатлари, уларнинг оммавий нашрларга бўлган муносабати «энг катта кураш мафкура майдонларида» кечаётган бугунги кун учун ҳам аҳамиятли эканлигини чуқур эътироф этгимиз келади.** Чунки, бошқа тарғибот воситаларида маълумот бериш хусусияти кучлироқ бўлгани ҳолда; газеталар кўпроқ фикрлашга, воқеликка таҳлил назари билан қарашга ундайди. Улар орқали ижтимоий-сиёсий ҳаёт кишилар дунёқарашида фикран акс эта бошлайди, фикрлар эса хулосага етаклайди, улар онгида турли ғоялар моҳиятини фарқлай билиш хусусияти ортади. Газета ана шундай кундалик сабоқ беради. Қолаверса, хонадонга кириб келган газетани оиланинг барча аъзолари ҳам бирров кўздан кечиради, албатта. Шу билан бирга, мухлислар уни қайта-қайта ўқиш имкониятига ҳам эга.

Миллий истиқлол ғояси ҳақидаги рисолани ўқиб кўнгилдан шундай ўйлар кечади.

**Дилором ҚЎЗИЖОН**

## ЭЪТИҚОДИМСАН, ХАЛҚИМ

*БАХШИЁНА*

Қадамимга қўйлар сўйиб,
Йўлимга гул сочганим.
Этагига бошим қўйиб,
Сир айтиб, дил очганим,
Ҳурматингни чап кўксимда
Офтоб қилиб юрибман.
Ўз қадримда, нон тузингда
Тоғдай маҳкам турибман.
Тўнларингга жийда тумор,
Кўзмунчокдай тақилдим.
Ўтга кирсам бўлди гулзор,
Ўнг дафтарда ўқилдим.

* * *

Қизил атиргулинг бўлдим,
Гоҳ заъфарон гулинг бўлдим.
Дуторларинг бўғзидаги
Девона булбулинг бўлдим.
Ҳасратингдан бўзладим гоҳ,
Нусратингдан сўзладим гоҳ,
Жалолиддин, Алпомишдай
Келбатингдан сўзладим гоҳ.

* * *

Пилтасаватларингда
Ўлмай ўсган болангман.
Қанду наввотларингдай
Мехринг сезган болангман.

Ғайратингдан гумбурлаб,
Туғён бўлган сўзингман.
Кулоғингга шивирлаб,
Уйғон, деган қизингман.

Ўртачўлдан ўтса шамолим
Ҳазориспанд, явшон гуллайди,
Болаликда қолган хаёлим
Бешигида Ҳумо ухлайди.

* * *

Қор остида мева туккан —
Дарахтингман, онажон.
Эркинг учун бошин тиккан,
Журъатингман, онажон.
Ойдинбоғда жавлон урар
Менинг икки жайроним.
Юрагимда гавҳар турар,
Кўзларимда армоним.

* * *

Гоҳ қўйнимда илон сақлаб,
Дилим куйди сенингдай.
Қатиқни ҳам ичдим пуфлаб,
Тилим куйди сенингдай...
Зулфиямсан, Нодирамсан,
Бисотимсан тенги йўқ.
Келажагим, хотирамсан
Саждагоҳимсан, қутлуғ.
Кетсам, тупроқ ичра туриб
Ғайбдан қудрат топурман:
Мушкулингда овоз бериб
Хизматингга чопурман.

Икки дунём, дин-имоним,
Эътиқодимсан, халқим.
Қирқта жоним ичра жоним —
Йдин отимсан, халқим!

Ойдин ҲОЖИЕВА,
Ўзбекистон халқ шоираси

Саво етқур саломимни

## АЙБИМ ЯХШИЛИК ҚИЛГАНИММИ?

Бундан икки йиллар муқаддам Когон шаҳрида бир юмуш билан кетаётган эдим, машинамга бир аёл киши қўл кўтариб қолди. Тўхтадим. Кечки пайт, ҳар ҳолда аёл киши ёлғиз турмасин деган мақсадда манзилига олиб бориб қўйдим. Хуллас шундан кейин ҳам у аёлни бир неча бор учратдим, Бир кўрган билиш, икки кўрган таниш дегандек, салом-алик қилиб қўярдим. Когон кичкина жой эмасми, бундан ҳар хил маъно чиқарувчилар бошқача етказган шекилли, 1999 йилнинг 6 май куни ўша аёлнинг акаси Равшан Кенжаев бир оғайниси билан мен ишлаётган машина созлаш цехига келиб «сен менинг синглим Лолага тинчлик бермаётган экансан» деганича мени ўлакса қилиб калтаклаб кетди. Икки ҳафта давомида касалхонада ҳушсиз ётдим. У ердан даволаниб чиққанимдан сўнг мен йўғимда уйимга ўша Равшан Кенжаев яна ўртоқлари билан келиб, (буни қўшнилар кўришган) уй қулфини бузиб кирганликларини, ҳаммаёқни алғов-далғов қилиб юборганликларини билдим. Ўша куни уйдан ўн минг сўмдан кўпроқ пул, эсдалик қилиб берилган совғалар йўқолиб қолди.

Мен Кенжаевни судга бердим. лекин у бор-йўғи иш жойидан йигирма фоиз жарима тўлаш жазоси билан қутулиб кетди...

Мен эса ҳали - ҳамон ўша калтакнинг азобини чекаётирман. Бўлиб ўтган суд ҳукмидан норизо бўлиб Когон шаҳар (собиқ) прокурори О. Асланов, Ички ишлар бошқармаси бошлиғи Ш. Аминовларга ҳам мурожаат қилдим. Аммо фойдаси бўлмади. Фақат номим «ёзғувчи»га айланди, холос. Шу йилнинг 15 сентябр куни ишхонам олдига «РАФ» русумли машина келиб тўхтади. Кейин билишимча машина эгаси мени емаган сомсага пул тўлашга мажбур қилган аёлнинг эри Чори Рўзиназаров экан. У ҳам нима учундир «менинг тазиримни бериб қўйиш учун» ёнига буқувват икки-учта йигитларни бошлаб келибди. Яхшиям шу аснода устахонага мижозлар келиб қолишди-да, улар мени тазиримни беролмай ортига қайтишди.

Шу ўринда «ким табиб — бошдан ўтган табиб» мақоли қабилида бир маслаҳатли гапим бор: Мабодо бирон бир аёл йўлингиздан чиқиб, қўл кўтариб қолса, туфлисининг пошнаси олтиндан бўлганда ҳам таг-тугини суриштириб билмагунча машинангизга ўтказманг. Акс ҳолда...

**Иброҳим ИБРОҲИМОВ,**
**Бухоро вилояти,**
**Когон шаҳри**

# МАҚСАД ЙЎЛИ – МАЪРИФАТ

Раҳбар маънавияти

Инсониятнинг жамият сифатида уюшиб яшашини таъминловчи, цивилизациялар асоси, башарият тараққиётини тобора такомиллаштирувчи беқиёс куч – маънавияттдир. Маънавият фақат кишининг шахсий фазилатлари ифодаси бўлиб қолмасдан, балки у ижтимоий-сиёсий мазмун ва моҳият касб этади. Бунинг бир жиҳатини шундай изоҳлаш мумкин: жамият аъзоларини бошқариш ҳуқуқи уларнинг бошқарувчиларга ўзлари берган ваколатлар доирасида амалга ошиши зарур. Бу ҳуқуқ доирасидан оғишмаслик учун ҳам маънавиятли сиёсатга эҳтиёж сезилади. Ижтимоий ҳаётнинг барча бўғинларида маънавиятли сиёсат амал қилиши нафақат юқори даражадаги, балки барча раҳбарлар, мансабдор шахсларнинг инсоний дунёқараши, маънавияти етук бўлишига боғлиқдир. Албатта, бундай раҳбар ва бошқарувчиларни тайёрлашга ўта мураккаб ва машаққатли, тарихда кўплаб мутафаккирларнинг ўз шоҳ асарларини подшоҳларга, ҳукмдорларга бағишлагани ҳам бежиз эмас. Бу маънода Фирдавсий («Шоҳнома»), Низомулмулк («Сиёсатнома»), Юсуф Хос Ҳожиб («Қутадғу билиг»), Кайковус («Қобуснома»), Абу Наср Форобий («Бахт-саодатга эришув», «Фозил одамлар шаҳри»), Алишер Навоий («Садди Искандарий») каби кўплаб буюк донишмандларнинг адолатли сиёсат юритиш, зулм, ўзаро низо ва урушларга барҳам беришга чорловчи, асосан ҳукмдорлар маънавияти мавзусидаги асарларини тилга олишимиз мумкин. Демак, давлат бошқаруви, ҳокимияти ва сиёсат ҳам юксак маънавият асосида қурилмоғи ва фаолият кўрсатмоғи тарихан зарурат сифатида шаклланган энг муҳим умуминсоний қадриятлардан биридир. Бунга турли даврларда турлича ёндашиб келинган.

Бирон бир оддий фуқаронинг маънавиятсизлигидан оила, маҳалла ёки бир неча киши қандайдир зарар кўриши мумкин. Лекин тарихга, айниқса, гувоҳ бўлганимиз яқин ўтмишга назар солиб, агар бошқарувчи ёки турли даражадаги ҳокимиятлар маънавиятсиз бўлса, раъият заҳмат чекади, жамият тараққиётдан ортда қолади, деган хулосага келамиз. Истиқлолнинг илк кунларидан бошлаб маънавий қадриятларимизга давлат сиёсати даражасида улуғ эътибор билан қаралди, шунингдек, янги, илғор умумбашарий қадриятларнинг ижтимоий ҳаётимизда, маънавиятимизда қарор топиб боришига кенг йўл очилди. Чунки, маънавият тарихий, анъанавий хусусият касб этиши билан бирга доимо ривожланиб, такомиллашиб, янги ҳаёт тарзи билан уйғунлашиб борувчи ижтимоий воқеликдир. Ҳар бир назарий изланиш ҳаётий талаб ва эҳтиёжлардан келиб чиқсагина, у ривожланиш ва ислоҳотлар учун муҳим аҳамият касб этиши мумкин. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда фуқаролик жамиятини қуриш жараёнида пайдо бўлган фуқаролар ижтимоий-сиёсий фаоллигини юксалтириш, демократик муносабатларни шакллантириш, сиёсий жараёнларни эркинлаштириш, кўппартиявийлик тизимини демократик меъёрлар асосида такомиллаштириш каби долзарб вазифаларнинг барчаси умуминсоний қадриятлар нуқтаи назаридан қараганда, кўпроқ маънавиятга тааллуқлидир.

Ҳозирги даврда илғор хорижий мамлакатларда фуқаролик жамияти қадриятлари изчил шаклланган. Бу мамлакатларда демократия асослари ҳар бир фуқаронинг турмуш тарзи, маънавияти, маданий тафаккури билан боғланиб кетган. Албатта, бу қадимги даврлардан бошлаб юксалиб келган, ХХ асрда ўз такомилига етган маънавиятнинг янги босқичи маҳсулидир.

Шуни кузатамизки, ХХ асрга келиб маънавиятга доир назария ва амалиёт кўпроқ сиёсий муносабатлар, давлат бошқаруви усулларига сингиб боргани сари жамиятда адолат мезонлари устувор аҳамият касб этиб борди. Бунинг моҳияти нимада?

Асримизнинг биринчи ярмида Германия, собиқ Иттифоқ ҳудуди, Япония, Италия, Испания каби бир неча мамлакатларда тоталитаризм, «буюк» империячилик ғоялари ҳукмрон эди. Европада ва Осиёнинг бир неча давлатларида шундай ғояларга асосланган тузум куч ишлатиш, тазйиқ билан инсон ҳуқуқларини поймол этганлиги, фуқаролар манфаатларини ифодалаш, шу нуқтаи назардан иш тутишга умуман эътибор берилмаганлиги туфайли ҳам ўзи озиқланадиган манбалардан маҳрум бўлиб борди, яъни ўз халқларининг нафратларига дучор бўлди. Бошқача ифодалаганда, бундай тузум шароитида асрлар давомида шаклланган маънавий анъаналар қўпол равишда бузилган, сиёсий муносабатлар маънавиятдан мутлақ узоқлашиб боргани сари маънавий қадриятлар бутунлай таназзул ҳолатига солинган эди. Бунинг аччиқ сабоқлари барча халқларни маънавиятдан юз ўгириш ёки ундан чекиниш аслида ўз тараққиётини инкор этиш, бу эса оқибат таназзулни танлашдан бошқа нарса эмаслигини чуқур англашга, маънавий уйғоқликка чорлади.

Бугунга қадар бўлган цивилизациялар ривожланиши шуни исбот этдики, маънавий қадриятларнинг ижтимоий ҳаёт қатламларида акс этиб бориши учун аввало сиёсий ҳокимият ва барча даражадаги бошқарувчилар маънавиятни чуқур англаши, ўз дунёқараши, фаолиятига сингдира билиши лозим экан. Бу маънода давлат ва унинг идораларини кучга, қонунга, мажбурлаш воситаларига эга эканлигига эътибор берсак, масала ойдинлашади. Қолаверса, жамиятдаги бош тарбияловчилик вазифаси ҳам давлатнинг функциялари сирасига киради.

Жамият аъзоларининг маънавиятли бўлиши, комил инсон тарбияси, шубҳасиз, маърифат орқали амалга ошади. Маърифат инсоннинг ўз эркинлигини ҳис этиши, мутелик руҳиятидан халос бўлиши, унинг қалбида миллат, халқ ва ўз Ватанига муҳаббат, садоқати мустаҳкамлана боришининг маънавий кафолати ҳам бўла олади. Шу жиҳатдан Суқротнинг «барча эзгуликлар фақат маърифат воситасида пайдо бўлади», деган фикри бизга маърифат эзгуликлар доясидир, деган хулосани беради. Машҳур олим Зуннун ал-Мисрий ҳам маърифатни «билиш нури» деб атаган эди.

Инсоннинг жамоа, миллат, давлат манфаатларини ифода этиш ва қондириш учун қанчалик фаоллик кўрсата олса, ўзининг манфаатлари ҳам шу қадар амалга ошишини англаши унинг маърифатлилик даражасига боғлиқдир. Маърифатли инсонгина жамият манфаатларини ўз шахсий манфаатларидан устун қўя олади. Шунинг баробарида шундай инсонлар уюшган маърифатли жамиятдагина эркин фикрлаш, сиёсий плюрализм, умуман, демократия учун қулай шарт-шароитлар яратилади. Ва бу жараёнлар таъсирида бурч, ватанпарварлик, фидоийлик каби фазилатлар юксалади, миллий туйғу, юртга муҳаббат дунёқарашларда мутлақлашиб боради. Бу эса мамлакатни фаровон, обод ва маъмур бўлишига замин яратади. Ана шундай мақсадларимизнинг маънавий ифодаси сифатида яқинда нашр этилган «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласида ҳам миллий истиқлол мафкураси жамоатчилик қалби ва онгига маърифий йўл билан сингдирилиши таъкидлаб ўтилган. Маърифат – нур, «билиш нури» ва у нурга элтади, маънавий комиллик шундай ҳосил бўлади.

Биз узоқ йиллар кишилар онгига муттасил сингдириб келинган сунъий ақида ва тушунчаларни энди рад этган, «қардошлик оиласи»да эмас, балки истибдод остида яшаб келганлигимизни англаб етган, айтаётган бўлсакда, эскича қарашлар асорати бўлган лоқайдлик, сусткашлик, мутелик кайфиятлари тафаккур тарзимизни ҳали тўла тарк этганича йўқ. Шунинг учун ҳам истибдод даврининг догматик қарашларидан халос бўлиш, маърифий йўл орқали маънавий поклаиш янги жамиятимиз аъзолари фикратида миллий истиқлол мафкураси шаклланишининг дастлабки босқичи ҳамдир.

Жамиятнинг иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий табиати ўзгариши уни ҳаракатга келтирувчи, тараққий эттирувчи энг асосий омил бўлган инсоннинг тафаккур тарзи янгиланиши билан уйғун тарзда кечиши табиий. Мана шу босқичнинг ўзи муқаррар янги дунёқарашни қарор топтириш, руҳиятга ўзгача шукуҳ бағишлашга қодир бўлган янги бир мафкурани тақозо этади.

Миллий мафкурамизнинг асосий мақсадларидан бири – янги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар қарор топиши учун фуқароларни сафарбар қила билиш, фуқаролик жамияти негизида халқ фаровонлигига эришиш, давлатимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш ғояларини кишилар дунёқарашида шакллантиришдир.

Асл орзу-интилишларимиз акс этаётган ана шу мафкурагина миллий истиқлолимизни мустаҳкамлашга ёрдам беради. Улуғ мутафаккир Абу Наср Форобийнинг қуйидаги фикрлари ушбу оламшумул жараённинг бир ифодаси кабидир: «Инсоний вужуддан мақсад – энг олий бахт-саодатга эришувдир, аввало, у бахт-саодатнинг нима ва нималардан иборат эканлигини билиши, унга эришувни ўзига ғоя ва энг олий мақсад қилиб олиши, бутун вужуди билан мафтун бўлиши керак. Кейин у бахт-саодатга олиб борадиган иш-амал ва воситаларнинг нималардан иборат эканлигини билиб олиши зарур. Сўнгра эса бахт-саодатга эришадиган ишларни шахсан бажаришга киришмоғи лозим бўлади».

**Мукимжон ҚИРҒИЗБОЕВ,**
**сиёсатшунос**

# «ЭНГ ЯҚИН СЎЗ...» ЯҚИНИДА

## ТИЛ ГАВҲАРИ

«Миллий тикланиш» газетасида Қўчқор Хоназаров домланинг «Энг яқин сўз...» мақоласини ўқиб, бу мавзунинг қамрови аслида фақат фамилиялар билан чекланмаслигини, масала хийла катталигини англайсан, киши. Чунончи, биздаги таомилга кўра, бирон кишига расман ёки йиғинларда мурожаат қилинганда «Фарҳод Собирович» ёки «Лола Эшмуҳамедовна» дейилади. Чунки рус тилида бировни ҳурмат қилишингизни, улуғлашингизни (величать) билдирмоқчи бўлсангиз, исми ва отчествосини тутиб чақиришингиз лозим. Бу қоида шўро замонида барча миллат кишиларига нисбатан қонунлаштирилгани туфайли ҳар бир кишининг паспорти-ю туғилиш гувоҳномасида исми уч бўлак (Карим Қобулович Собиров, Адиба Ҳамроқуловна Қодирова) қилиб ёзилган. Шунингдек, ўта руслашган айрим оилаларда жуфт исмли «қўшалоқ» фамилиялар ҳам (худди «Салтиков-Шчедрин»га ўхшаб – Ильдар Каримович Мирза-Ахмедов каби) пайдо бўлди.

Ўзбек исмлари ва фамилияларини «бир сартнинг отида» дегандай аллойи-алмойи қилиб ёзиш оддий одамларни қўя туринг, машҳур шахслар номини битишда ҳам кўринади. Масалан, ўлкамиздаги биринчи Халқ артистининг исми Муҳиддин Қориёқубов эмас, Муҳиддинқори Ёқубов бўлса керак, бизнингча. Чунки юбилей тантаналари давомида у кишининг ҳажга борганлиги, ҳофизи Қуръон эканлиги кўп таъкидланди. Иккинчидан, элимизда «Қори+Мурод» сингари тескари исм қўйиш анъанаси ҳам йўқ. Бинобарин, Тошмуҳаммад Қори-Ниёзийга қараганда Тошмуҳаммадқодир Ниёзий шакли дуруст.

Шўро даврида ўзбек номлари миллатимизга хос бўлмаган ва келиб чиқиши славянча «вич», «овна», «ов» «ева» сингари фамилия ва отчество белгилари билан «бежалди». Худди биз каби мусулмон туркий бўлган татарларга эса русларнинг «ин» «ина» фамилия белгилари (Нуруллин, Ҳайбуллина- «тортиқ» қилинди. Бунга бир қадар кўникиб кетганимиздан, ғалатлиги ўзимизга унча билинмас, лекин жаҳон майдонига чиқиб бораётган ҳозирги кезларимизда славянлар каби ҳамон «евич –ович» аталиб юришимиз муносиб кўринмайди, албатта. Ҳайриятки, бу тартиб ХХ асрга қадар яшаган шахслар исмига жорий этилмаган экан, акс ҳолда Алишер Навоийнинг қавс ичида ёзиладиган расмий номи ҳам Алишер Ғиёсиддинович бўлармиди... Баъзиларнинг Бобур номини «З. М. Бобур» тарзида битганлигига қарасак, бу ҳолга тушишимизга ҳам бир баҳя қолганига амин бўламиз.

Исм ёки унинг шаклий белгиларини ўзгартириш осон эмас. Бугунги кунда буни бир ёқдан айрим шахсларнинг ўзи (асосан «Шадикуль Аллабергенович»лар) хоҳламаса, иккинчи томондан баъзи идоралар ҳам буни маъқулламаслиги мумкин. Негаки, бу тоғ-тоғ ҳужжатларни солиштириш, тўғрилиги ва қонунийлигини аниқлаш, сўнг ҳаммасини қайта ёзиб чиқиш демак. Шахсни аниқловчи ҳар бир ҳужжатни тўлғазиш учун эса камида беш-олти бетлик қоғоз ҳам қораланишини эътиборга оладиган бўлсак, мамлакат миқёсида бу минг-минг идора хизматчилари ва ҳуқуқий органларнинг жуда кўп вақтини, ҳийла катта маблағни тақозо этиши маълум бўлади. Бинобарин, кишилар номини миллийлаштиришни кампанияга айлантирмай (шу билан бирга, пайсалга ҳам солмай), лотин алифбосига асосланган янги ёзувга ўтиш жараёни ичида ҳал этилиши айни муддао бўлур эди. Қолаверса, ўшанда янги алифбонинг баъзи томонлари заруран ислоҳ этилгани сайин, фамилия белгилари ҳам янада мураттаб бўла борарди.

Ўзбекларда илгари фамилия бўлган эмас. Айрим машҳур уламолар, давлат ва жамоат арбоблари, сайид ва хўжаларнинг арабий тарздаги «Абу Фалон Фалончи Ибн Фалони ибн Фалони» каби куниялари ҳам унча сингишмаган, халқ уларни соддагина «Фалончи тўра», «Пистончи додхоҳ» деб атай берган. Оддий бир киши эса нари борса «Фалончи Пистончи ўғли» бўлган, холос, аждоддан авлодга муқим ўтиб келадиган насаб бўлмаганидан ҳатто Навоийдек зот бобосининг исми ҳам бизга номаълум.

Ҳужжатларга қараб иш юритиладиган ҳозирги даврда фамилияни бекор қилиб, бир замонлардаги каби фалончи пистончи ўғли тарзида битиш керакми ёки ҳозирги аҳволда қолдириш тўзукми, деган масалани қўйган ҳолда, муаллиф, ўрта бир йўлни таклиф этади, яъни шахсий ҳужжатларда киши исми ва отасининг исми билан бирга фамилия (ёки фамилия ўрнидаги сўз)ни қолдириш, лекин бояги «вич»лар, «овна»лар, «ев» ҳамда «ова»лардан воз кечишга даъват этади.

Ҳажман қисқа сўздан иборат фамилияни «..ий» ёки «зода» билан тугаллаш (Қодирий, Ализода) ўнғай бўлса, фамилияси асосидаги исм тўрт-беш бўғинли сўзга (Шамсиддин, Шоабдураҳмон) бу зарур эмас, унчалик ёпишмайди ҳам. Миллий анъанавий услуб нуқтаи назаридан «узун» исмни ўзича қолдириш (Азим Шоабдураҳмон, Ҳожа Шамсиддин каби) ёки «ўғли», «қизи» сўзларини қўллашимиз мумкин.

Ўйлайманки, етук зиёлиларимизнинг илмий мулоҳазалари, тавсиялари ва кишиларимизнинг танлаш ҳуқуқи асосида исм-фамилиялар миллий ўзанига қайтади. Зеро, исму шарифлар миллий тилимиз хазинасининг ҳам гавҳарларидир.

**Зуҳриддин ИСОМИДДИНОВ**

## КЎПНИНГ КЎНГЛИДАГИ ГАП

«Энг яқин сўз...» номли мақолани ўқиб, муаллифнинг куйинишига бефарқ қаролмадим. Миллий қадриятларимиз тикланишига астойдил интилар эканмиз, биз учун энг яқин сўз – исм-шарифларга энди янгича муносабатда бўлишимиз зарур.

Яқин ўтмишда шундай ҳоллар бўлган эдики, баъзи кишилар исм танлашда ҳам «замонавийлашиб», даврнинг ўткинчи ғояларига мос исмлар рўйхатини пайдо қилишган эди. Бундай исмлардан бир-иккитасини санаб ўтиш, менимча, у қадар ўринли эмас, шундай исм-шариф эгаларини ранжитади, деб ўйлайман. Улар бир замонлардаги «модний» исмлари учун бугунги кунда кўп истиҳола қилса, эҳтимол. Қолаверса, ҳеч бир чақалоқ исмини ихтиёрий танламайди.

Бир куни Роза исмли (бу рўза маъносини англатмайди) бир аёлнинг овсини неварасига Тўмарис деб исм қўйганини айтиб қаттиқ кулганидан дилим ўртаниб кетди.

– Вой тавба, эртага «отинг нима?» деб сўрашса, Тўмарис, дейдими. Ўзи эса неварасига жуда «чиройли» исм танлади: Альбина.

Яқин танишларимиздан бирининг уйига совчилар келди. Йигит билан қиз синфдош экан. Қизнинг ҳам кўнгли борлигини эшитиб, отаси рози бўлди. Бироқ, куёвнинг оти Тельман эканлигини эшитиб, бирдан раъйидан қайтди.

– Бу нима деган от. Ўзбекча қўйса бўлмас эканми? Хуллас, отани зўрға кўндиришди.

Отам раҳматлик исм қўйишга жиддий қарар, ҳар бир исмнинг маъносини тушунтирар эди. Қариндош-уруғларимиз ҳам фарзандларининг исмини отамга қўйдиришарди. «Одамнинг табиати ўз исмига тортади» дерди отам.

Отамнинг одатлари таъсириданми, исмлар билан қизиқиб юраман. Ва кўпинча ўзим таниган-билган одамларнинг исми ўзи қандай одамлиги ҳақида мулоҳаза юритаман.

Онамнинг отлари – Шарифа. Онам ёшлигида жуда гўзал аёл бўлганлар. Қўчқор Хоназаров айтганидек, фақат ўзимнинг эмас, онамнинг исмларига дуч келганимда ҳам соғинчдан вужудим ёниб кетади. Шу исмдаги ҳали мен учратганим аёлларнинг бари гўзал аёллар. Баъзан бу исмнинг хосияти нимада экан? – деб ўйлайман.

Мен ажаб қизиқиш билан бир хил номдаги ўзим танийдиган одамларни кўз олдимга келтириб, ҳар бир исм эгасининг қандай хулқ-атворга эга эканини ёзиб чиқдим. Кўпинча бир хил исмдаги одамлар, характер жиҳатдан бир-бирига ўхшаш бўлишини кузатдим. Бундан исмларда қандайдир илоҳийлик борлигига амин бўлдим. Зебо исмли аёллар ҳаммаси зукко, билимдон. Шу исмда қандайдир хосият борлигини ҳис қилардим, неварамнинг отини Зебинисо қўймоқчи бўлдим. Қуда томон бунга бироз чўчиди, «оғир», дейишди. Сизнинг исмингизга уйқаш қилиб Гуласал қўяқолайлик, деб маслаҳат қилишди. Мен шу номда ўтган ва яшаётган аёлларнинг табиати, хулқ-атвори билан кўп қизиқиб кўргач, кўнглим хотиржам бўлди. Аслида, ҳар бир инсон фарзандига чиройли исм қўйгиси келади. Шу исмларнинг маъносига қизиқишади, шу сўз бераётган яхши тушунчаларга қараб умид билан ном қўйишади. Кўшниларимнинг ўғилларига Абдулла, Искандар, Худойшукур деган номларни қўйганини эшитганда хурсанд бўлдим. Назаримда, исм ҳам миллат белгиси, миллийлик ифодаси. Бир пайтлардаги модага айланган, ўйламай қўйилаверган исмлар ўрнига бугунги кунда расм бўлаётган ҳақиқий миллий исмларимизни жой олаётгани кишини қувонтиради.

Яқинда бир ҳамкасбим мендан: «Опа, менинг қизимга бир тарихий исм топиб беринг», – деб илтимос қилди. Ёшгина йигитнинг бундай илтимоси беҳад севинтириб юборди. «Маъқул кўрсангизлар, Моҳларойим, деб қўйинглар. Агар қутлуғ отни ҳадеб оғизга олаверишга хижолат қилсангизлар, – уни Моҳим деб чақирсангизлар ҳам бўлади, – дедим.

Автобусда кетаётган эдик. Элликлардан ошган аёл нариги ўриндиқда ўтирган ёши ўзи қатори аёлни «Дилоро» деб чақирди. Шунда ёнимда ўтирган аёл менга айтиб қолди:

«Дильяра деган иккита қўшним бор. Икковини ҳам ҳеч ким шу ном билан чақиришмайди. Иккалови ҳам ҳар доим, ҳамманинг оғзида «Дилором», бунга ўзлари ҳам ўрганиб кетишган».

Хўш, нима учун шундай? Иккала исмнинг маъносини, ўзингиз бир солиштириб кўринг-а?

Йўл бўйи шу мавзуда суҳбатлашиб кетдик. У кўнглидаги бир армонини афсусланиб гапириб берди: «Исмларда хосият борлигини аввалдан билганимда, ишонганимда ҳаётимдаги бир хатога йўл қўймасмидим. Қизим юзида кичкина хол билан туғилди. Қайнонам: – Бу ўз оти билан туғилибди, унинг отини Холжон қўйиш керак, – дедилар. Мен бу исмни эскича кўриб, танлагим келмади. Майли, ҳеч бўлмаса замонавийроқ қилиб Холнура қўйгин, ўз отида қарисин, деб кўп куйиндилар. Хуллас, унга бошқа ном қўйилди. Ҳеч бўлмаса жума кунлари номини айтиб туриш керак, – деган ўкинчларига ҳам биз «замонавий» гумроҳлар парво қилмадик.

Йиллар ўтиб, қизим улғайган сайин хол ҳам улғайиб бораверди. Синглимга қўйилган Анора исмидан кейин у каттайгани сари икки қош ўртасидаги қип-қизил норининг йўқола борганини кўриб, бу ҳақиқатни тан олдим. Бугунги армоним билан фақат ўзимни қийнайман, холос».

Ҳурматли олимимиз Қўчқор Хоназаров ўртага ташлаган миллий таклиф жуда ҳар томонлама ўйлаб кўрарлиқдир. Тилшунос олимларимиз, айниқса, сўзларнинг келиб чиқиши билан шуғулланувчи мутахассис олимлар бу масалага жиддийроқ қарашса, айни муддао бўлурди. Шу савобли ҳаракатлар боис Тўмарис Искандар қизи, Рустам Жалолиддин ўғли, Ҳамидулла Собирий каби миллий исм-шарифлар расмий ҳужжатларда қайд қилинса, ажаб эмас. Зеро, кўпнинг кўнгли ҳам шудир.

**Гулсара ИСМОИЛОВА.**



# МУХТАСАР МУЛОҲАЗАЛАР

## «Шажара китоби»нгиз борми?

* * *

«Джамшидми-Джамшидлигимча қоламан»

**Джамшид АТАЕВ**

* * *

«Хўп ажойиб исм-шарифларимиз бор, ярми ўзбекча, ярми русча!» — дейиш мумкин. Исм-шарифларнинг бундай ёзилиши аслида ўткинчи давр мафкурасига боғлиқ ҳодиса эди. Исм-фамилияларни аслига қайтариш миллий мафкурамизнинг бир ҳаётий ифодаси бўлади, деб ўйлайман.

**Фароғат,**
**ТошДАУ талабаси**

* * *

Бу саволнинг жавоби ўзида-ку, онам — ўзбек, отам — ўзбек, от-шарифим ҳам ўзбекча бўлсин-да!

**Зубайда НАЗАРОВА**

* * *

**Ўзбекча фамилия борми ўзи?**

**Насиба МУРОДОВА**

* * *

Уйимизда «Шажарамиз китоби» бор, ўз аждодимиз исмлари ёзилган. Шу китобга биз ҳам «ов», «ева» демасдан ота-бобомиз тартибида ёзиб қўйганмиз!

**Ҳамидулла ҚОДИРХЎЖА ўғли**

* * *

Мен миллий фамилияга аллақачон ўтганман!

**Шарафиддин ФАЗЛИДДИН ўғли**

# Тил учун курашларда

*Хотира ўчмасдир, хотира мангу*

## *Олим Усмон етган ва етмаган марралар*

1980 йилларнинг охирида «қайта қуриш» деб аталмиш ўзгаришлар шўролар тузумининг шафқатсиз мафкуравий занжирини бўшаштиргандай бўлди. Одамлар бироз эркин ва ҳадиксиз фикрлай бошлади. Ўзбек зиёлиларининг ҳам йиллар давомида бўғилиб ётган, ҳаққоний, илмий адолат талаб қилувчи фикрлари, орзу-армонлари ҳам кўзи очиб юборилган булоқдай қайнаб, отилиб чиқа бошлади. Мулоҳазалар, мунозаралар авжига чиқди. Гап иқтисодиёт, адабиёт, маданий-маънавий меросга муносабат ҳақида борарди. Аммо булар орасида битта улкан муаммо – ўзбек тилининг аҳволи, она тилига муносабат масаласи баралла янграй бошлади. Булар алифбо ва имло, тилимизнинг луғавий бойликлари ва услубияти, тил тарихи ва лисоний мерос, ўзбек тилининг ижтимоий мавқеи ва ўзбек тили таълими муаммолари, «Лисоний зўравонлик» ва «Иккинчи она тили» деб таърифланувчи тилга муносабат масалалари эди. Буларнинг барчаси аслида шўролар мустабид тузуми тил сиёсатининг пинҳоний қусурларини фош этувчи, унинг миллий тилларга бўлган адолатсиз муносабатига зарба берувчи далиллар эди. Бора-бора газеталарда, журналларда она тилининг қонуний ҳуқуқларини тиклашга оид мақолалар нашр этила бошлади, тил ҳақида мунозаралар, суҳбатлар авжига чиқди, илмий анжуманларда баҳслар бўлиб ўтди.

Эндиликда биз учун тарихнинг нажотбахш саҳифасига айланган ушбу дамларни бутун умри илмий заковатини мана шундай эзгу давр келишига бахшида этган 77 ёшли тилшунос хасталик тўшагида, мажолсиз ётган ҳолда ғурур ва фахр туйғуси билан кузатарди. Бу – атоқли ўзбек тилшуноси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Олим Усмон эди. У 1989 йилнинг сентябрида, ўзбек тилига давлат тили мақоми берувчи қонун қабул қилинишига бир ой қолганда абадий кўз юмди. Аммо унинг руҳи орамизда мамнун кезиб юрибди. Чунки Олим Усмон ўзбек тилининг миллийлиги, халқчиллиги, софлиги, ижтимоий ўрни ва ҳуқуқи учун тинимсиз курашган, бу тилнинг мафкуравий исканжасиз, тазйиқсиз эркин ривожини орзу қилган инсон эди.

Олим Усмон 1912 йил 31 декабрда Жалолобод шаҳрида таваллуд топди. Ўрта, олий мактаб ва аспирантурада таҳсил олди. У тилшунослик илмига мактаблар учун ўзбек тилидан дарслик ва қўлланмаларнинг, муаллифи сифатида кириб келди, «Орфография машқлари тўплами» (1938), «Ўзбек тили грамматикаси», (1938) бунинг гувоҳидир. Олим Усмон ўзбек тилининг имлоси муаммолари билан ҳам узлуксиз шуғулланди ва бу «Ўзбек тили имло луғати» (1940), «Имло луғати» (1949) каби ишларнинг юзага келишига асос бўлди.

Ҳар қандай олимнинг ҳаётида унинг бутун илмий фаолиятига бурилиш ясайдиган муҳим омил, пайтлар бўлади. Олим Усмон ҳаётида бу 1947 йили юз берди. У ўша йили «Алишер Навоийнинг «Муҳокаматул-луғатайн» асари ва унинг ўзбек тили тарихидаги роли» мавзуида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди, 1948 йилда эса унинг «Алишер Навоийнинг «Муҳокаматул-луғатайн» асари» (ўзбек, тили ва адабиёти учун қураши аспектида) номли рисоласи босилиб чиқди. Ушбу рисола ўша давр ўзбек тилшунослигидаги энг йирик ҳажмли, мавзу ва ғоясига кўра янги йўналишда ёзилган ягона тадқиқот эди.

Тилшуносларнинг тилга ёндашиши, уни тадқиқ қилиши турлича бўлади. Баъзилар тилнинг у ёки бу хусусиятини таҳлил қилиш билангина кифояланади. Бошқа бир гуруҳлари эса илмий тадқиқотни адабий тилга ғамхўрлик, унинг ривожига кўмаклашиш, кўрашиш билан қўшиб олиб боради. Олим Усмон мана шу иккинчи гуруҳга мансуб зукко тадқиқотчи эди.

Ҳар қандай адабий тил у эндигина шакллана ва ривожлана бошлаганида ёки унга қандайдир мафкуравий тазйиқлар хавфи туғилганида, ўзга тилнинг тажовузи, сиқиқларига дучор бўлганда халқнинг, айниқса, зиёлиларнинг ғамхўрлиги ва ёрдамига муҳтож бўлади. Тилдан бундай кўмакни аямаслик, она тилини ҳимоя қилиш биринчи навбатда тилшуносларнинг, ёзувчиларнинг бурчидир.

Олим Усмон ушбу эзгу бурчни чуқур англаган, бутун қалби билан уни ҳис қилган олим эди. Аслида у бу фазилатни ўзбек тилининг буюк ғамхўри Алишер Навоийдан ўрганди ва ундан ўрнак олди. У бутун илмий фаолияти давомида мана шу бурчга содиқ қолди. Ушбу содиқлик қиммати ўзбек тилшунослигида 1930–1980 йилларда юз берган бир қатор илмий жараёнларда Олим Усмон тутган илмий йўлнинг ҳаққоний бўлганлиги билан белгиланади.

Борди-ю, ўзбек тилшунослигининг XX асрдаги ривожи ва такомили тарихига назар ташланса, ундаги кўпгина муросасиз илмий тортишувлар шўровий мафкура билан қоришиб кетган ғоявий курашлар, асосан, икки муаммо атрофида борганига гувоҳ бўламиз.

Биринчиси, ўзбек алифбоси ва имлоси масалалари, иккинчи ўзбек илмий терминологиясининг ва умуман, сўз бойлигининг луғавий меъёрларини аниқлаш, белгилаш масаласи. Ушбу муаммоларни ҳал қилишда илмий усуллардан кўра кўпроқ шўровий мафкура нуқтаи назаридан иш тутилганини кўрамиз. Шу сабабли бу даврда ўзбек тили луғатидан ўрин ола бошлаган ва «русча-байналмилал сўзлар» деб таърифланувчи лексика рус тилининг ўзбек тилига «илғор», «баракали» таъсири деб мадҳ этиларди. Дастлаб В. В. Решетов (1934 й.), сўнгра А. К. Боровков (1940), кейинчалик эса Ф. Абдуллаев, И. Расулов, М. Мирзаев ва бошқалар ўша давр матбуоти саҳифаларида учрайдиган русча-байналмилал сўзларни махсус ҳисоблаб чиқишди ва улар миқдорини йилдан-йилга ортиб бораётганини мамнуният билан қайд этишди. Одатда бундай кузатишларда рус тилидан кирган сўзлар ўзбек тилидаги анъанавий ўзбекча ва асли арабча, форсча бўлган сўзларга қарама-қарши қўйиларди. Ўзбек тилида рус тилидан ўзлашган сўзларнинг миқдорининг ортиб бориши «барча тилларда умумий луғат фонди юзага келаётганини» кўрсатувчи (А. К. Боровков) илғор ҳодиса деб таърифланарди.

Мана шундай мураккаб бир пайтда илмий журналлардан бирида Олим Усмоннинг «Ўзбек тили терминологияси ривожланишининг баъзи масалаларига доир» (1948) мақоласи эълон қилинди. Унда ўзбек тилида асрлар давомида қўлланиб келган назария, **назарий ғоя, мафкура, усул, вакил, пешқадам, зиёли, номзод, иқтисод, моддий, тарғибот** каби сўзларни ўзбек тилидан чиқариш ҳаракати, улар ўрнига русча-интернационал лексикани қўллашга даъват қилиш қаттиқ қораланади, **фуқаро, таассуф, муолажа каби** сўзлар оддий халққа тушунарли экани таъкидланади. Олим Усмоннинг ўша даврда айтган мана бу жасурона фикрлари диққатга молиқдир: «Бу ўртоқлар (русча-байналмилал терминларни кўпроқ қўллаш тарафдорлари— Э. Б.) ўзбек тили кабинетда ўтириб ўйлаб топилган, мажбурий равишда татбиқ этилаётган қоидалар, рецептлар асосида ривожланишини хоҳлашади». Олим Усмон бу билан чекланиб қолмади ва қайд қилинган қарашлар тарафдорларини очиқдан-очиқ «ультраинтернационалистлар» деб атайди. Аммо замоннинг зайлига кўра Олим Усмон қарашларининг мухолифлари кўпайиб борди. Чунончи, профессор М. Мирзаев 1952 йили эълон қилинган мақолаларидан бирида Олим Усмон қарашларини «...тарихий факторни инкор қилиш, араб ва форс тилига мадҳия ўқиш, космополитизмга йўл қўйиш демакдир» деб баҳолади. Албатта, Олим Усмон илмий нуқтаи назардан тўғри, аммо шўровий мафкурага зид бўлган «ўта қалтис» йўлдан борарди.

1952 йилда Сталиннинг тилшунослик масалаларига оид рисоласи эълон қилиниши муносабати билан илмий мунозаралар янада қизиб кетди ва улар, асосан, рус тилининг ўрни ва аҳамиятини мадҳ қилиш, унинг манфаатларини ҳимоя қилиш руҳида ўтарди. Ушбу шароит Олим Усмон мухолифларига устунлик бағишлади ва улар Олим Усмонни «ўз хатоларини» тан олишга мажбур қилишди. 1954 йилда нашр қилинган «Ўзбек тилшунослиги масалалари» номли тўпламда «Филология фанлари номзоди А. Усмонов ўз ишларида йўл қўйган миллатчилик ва космополитик характердаги хатоларини тан олди» (5-бет) деб ёзилди. Аммо у тинчимади. Бу даврда ўзбек илмий терминологиясини меъёрлашнинг тамойилларига доир мақолалар ёзди. «Қисқача ўзбекча – русча луғат» (ҳаммуаллиф сифатида. – 1953 й.), «Қисқача русча-ўзбекча луғат» (ҳаммуаллиф, 1956. Бу луғат 1961 йилда қайта нашр қилинган), «Интернационал сўзлар луғати», (1959, 1962 йили қайта нашр қилинган),

«Ўзбекистонда рус тилининг илк тарғиботчилари» (1962), «Русча-ўзбекча ён луғат» (ҳаммуаллиф, 1964), «Русча-интернационал сўзлар изоҳли луғати» (ҳаммуаллиф, 1965, 1972 й. қайта нашр қилинган) каби бир қатор ишларни эълон қилди.

Ўзбек тилининг анъанавий-тарихий луғат бойлиги бўлмиш ўзбекча, форс-тожикча, арабча сўзларни жасурона ҳимоя қилиб турган Олим Усмоннинг русча-ўзбекча ва русча-интернационал сўзлар луғатларини тузишга берилиб кетиши кутилмаган ҳолдек таассурот туғдиради. Аслида Олим Усмон ўзининг асосий ғояларидан ҳеч ҳам воз кечмаган эди. Юқоридаги луғатларни тузиш билан у ўзбек тилидаги русча-байналмилал сўзларнинг моҳиятига янада чуқурроқ кириб борди ва келгусида олдинга сурмоқчи бўлган асосий фикрлари учун тайёргарлик кўрди. Дарҳақиқат, шундай бўлиб чиқди. 1969 йилда «Ўқитувчилар газетаси»да унинг «Бешта сўз» (25 май сони), «Ўзбекистон маданияти» газетасида эса «Талаффуз нормалари» (23 май сони) мақолалари чоп қилинди. Олим яна ўзининг асосий илмий ақидасига, тилсеварлик ғояларига қайтди. Биринчи мақолада ўзбек тилидан «...асоссиз ва ноўрин чиқариб юборилган» муаллим, талаба, табиёт, ижтимоиёт сўзларининг лисоний ҳуқуқи ҳимоя қилинди. Иккинчи мақолада эса баъзи ўзлашган сўзларни ўзбекча талаффуз меъёрини халқ тилига, ўзбек тилининг ўз табиатига яқинлаштириш, мослаш ҳақида гап борди. Олим Усмон фикрича, ўзбек тилида **май сўзи мой, вулкан – вулқон, лак – лок, маяк – маёқ, машина – мошина, Тян-Шан - Тиёншон, Памир – Помир, Урал – Ўрол, Балкан – Болқон** тарзида талаффуз қилинмоғи керак. 1970 йилларга келиб Олим Усмон ўз илмий ғоялари жиловини янада эркин қўйиб юборди. Бу унинг «Тил маданиятининг муҳим масалалари» номи билан «Ўзбек тили ва адабиёти» журналининг 1970 йил 1, 2, 3-сонларида эълон қилинган ва «Нутқ маданиятининг муҳим масалалари» мавзуида «Нутқ маданиятига оид масалалар» тўпламида (1973) нашр қилинган мақолаларида ёрқин кўринди. Ушбу мақолаларда Олим Усмон кўзда тутган асосий мақсад унинг қуйидаги фикрларида очиқ ифодаланган: «Агар биз бу масалага (ўзбек тилининг ўз имкониятларидан фойдаланишга – Э. Б.) жиддий эътибор бермас эканмиз, ажнабий сўзларни ўринсиз ва заруриятсиз ишлатишга қарши жиддий кураш очмас эканмиз, ўтмишда йўл қўйилган хатолар қайтадан такрорланиши, шунинг натижасида ўзбек тилининг лексик бойлигига яна путур етказилиши мумкин» («Ўзбек тили ва адабиёти», 1970, 3-сон, 29-бет). «...Ўтмиш даврларда яратилган қанчадан-қанча илмий, тарихий ва адабий манбаларда бобокалонларимиз қўллаган турли соҳаларга хос атама ва терминларни тўплаш ва тартибга солиш зарурияти ҳам келиб чиқади» (Ўша ерда, 31-бет).

Олим Усмон фикрича, ўзбек илмий терминологиясининг биринчи манбаи халқ тили бойликлари, ўтмиш ёзма манбаларда учрайдиган тарихий сўзлар, ўзбек тилидан «арабизм», «форсизм», «архаизм» тамғаси босилиб қувилган анъанавий сўзлар ҳамда ўзбек тилининг ўзида ҳал қилинган ички имкониятлардан иборат бўлмоғи керак. У химияни кимё, философияни фалсафа, философни файласуф, музикани мусиқа каби қўллаш лозим деганида қанчалик ҳақли бўлганини эндиликда ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб турибди.

Олим Усмон ўз илмий фикрларининг ҳаққонийлигини ўзи амалда исботлашга уринди ва – кор (1975), – дор (1976), но (1979) ва бошқа қўшимчалар ёрдамида янги-янги сўзларни ясаш имкониятларини синаб кўрди. Айниқса, у арабча – ит (вий) қўшимчасининг чексиз имкониятларга эгалигини намойиш қилувчи изланиш олиб борди ва ўша асосда қўлланмалар тузди ва уларни газета тахририятларида, нашриётларда, тил кафедраларида кўп бор муҳокамага қўйди. Камина ҳам ушбу баҳсларда кўп қатнашганман. Олим Усмоннинг ушбу жонбозликларини қадрловчилар ҳам, баъзан унинг устидан кулиб юрувчилар ҳам бўлди. Унинг янги сўзлар ҳосил қилиш имкониятларига оид таклифларида баъзан чалкаш ўринлар, меъёрдан ошириб юборишлар ҳам мавжуд эди, албатта. Айниқса, – **ий (вий)** қўшимчасини асли арабча ёки форсча бўлган сўзларга қўшиш ўзини оқлагани ҳолда улар ўзбекча (туркий) сўзлар табиатига доимо ҳам тўғри келавермасди. Мана шундай ҳоллар Олим Усмон ғояларининг «пайида» юрганларга қўл келарди. «Муштум» журналининг 1979 йил сентябр сонида «Ёруғлиқий» номли танқидий мақола босилиб чиқди ва анчагина шов-шувларга сабаб бўлди. Аммо Олим Усмон ўз илмий ғояларида собит туриб тадқиқотлар олиб борди. Бу йиллар у Узбекистон Фанлар Академияси Тил ва адабиёт институтидаги терминология бўлимини бошқарар эди. Бўлимнинг бир гуруҳ ходимлари Олим Усмон раҳбарлиги ва иштирокида «Ижтимоий-сиёсий терминлар луғати»ни тугаллаб, 1976 йилда нашрга топширишди. Деярли 30 босма табоқда иборат китобнинг дастлабки корректураси ҳам келди. Аммо ушбу корректура Олим Усмон ва унинг ҳамкорларига қувонч ўрнига дилхиралик, ташвиш ва ҳадиклар келтирди. Тегишли жойларга ушбу иш «яроқсиз», «ғайриилмий» деган хабарлар етказилган ва улар зудлик билан «Фан» нашриётига, Тил ва адабиёт институти маъмуриятига бу «хавфли» тадқиқотнинг тақдирини ҳал қилиш ҳақида кўрсатма берган эди. Институтда директор раҳбарлигида жадаллик билан комиссия тузилди ва у корректурани титишга киришиб кетди. Асосан, катта олимлардан иборат ушбу комиссияга унинг котиби сифатида камина ҳам киритилган эди. Тортишувлар, мунозаралар бошланиб кетди. Олим ака қатъийлик билан «Ҳа, ҳўп», «Ўртоқлар, шошмай туринглар», «Асос, асос қани?», «Нега?» дея куйиб-пишар, ўз фикрларини исботлашга уринар, комиссия эса гоҳ ўз қарашларини айтиб, гоҳ юқори ташкилотларнинг кўрсатмасини рўкач қилиб Олим Усмонни ҳовридан туширишга ҳаракат қиларди. Хуллас, қўлёзмани жиддий таҳрирдан кейингина нашр қилишга келишилди. Таҳririни кўп ҳолда муаллифлар иштирокисиз комиссия аъзоларининг ўзлари бажаришди. Хўш, ишдаги асосий «илмий нуқсонлар» нималар эди? (Каминанинг ёдида қолганларининг баъзилари). Биринчидан, кўпгина терминларнинг таржимаси, муқобили ўзбекча эди, яъни ўзбек тилининг ўз имкониятлари билан берилган эди: **автор – автор эмас, муаллиф, страхование эмас, суғурта, идея эмас, – ғоя, тема – мавзу философия – фалсафа, абсолют – мутлақ, анализ – таҳлил, автограф – дастхат, экономика – иқтисод, актив – фаол каби. Иккинчидан, баъзи дублет вариант терминларнинг ўзбекчасига устунлик берилган, биринчи ўринга қўйилганди: фаол /актив, инқилоб//революция, оппозициячи/ опозиционер, инқилобий/ революцион, собиткадам/ ортодокс, қурултой/ съезд, зиёли/ интеллигенция каби. Учинчидан, ўзбек тилидаги мавжуд қўшимчалар ёрдамида, айниқса, -ий (-вий) қўшимчаси билан кўпгина сўзлар ясалган эди: ядровий ҳалокат, термоядровий қурол, территориявий бутунлик, фожиавий манзара, таълим-тарбиявий ишлар, никоҳнома, ҳиссадор, кўҳнапараст, қобилдош, хизматдошлик, муносабатдош, ворисдош каби. Тўртинчидан, кўпгина икки қисмли сўзлар имло қоидаларидан чекланган ҳолда қўшиб ёзилаверган эди: осори-атиқа, каттаёш, молмулк, хомашё, сўзбоши, ҳурфикр, ўзҳаракат, қўлёзма...**

Комиссия келтирилган хусусиятлар билан боғлиқ барча «нуқсонлар»ни бартараф қилиб, китобни «хавфсиз» ҳолатга келтиргач, луғат 1976 йилда босмадан чиқди. Унинг 7-бетида комиссия аъзоларининг номлари келтирилиб, улар луғатни «...кўриб чиқдилар ва унинг сифатини кўтариш муҳим ҳисса қўшдилар» деб ёзилган. Тўғриси, мен баъзан ушбу сўзларга кўзим тушганда ўшанда қилган баъзи нотўғри ишларимиздан уялиб кетаман. Назаримда, луғатга қилган савобимиздан гуноҳимиз кўпроққа ўхшайди.

Рус тилидан кирган сўзларни ўзбекча сўзлар билан алмаштириш, бундай сўзларнинг ўрни ва ролини иккинчи ўринга суриб қўйиш, улар ўрнига янги сўзларни ижод қилишга интилиш шўролар даврида рус тилига, шўролар тил сиёсатига қарши бўлган ҳаракат, илмий шаккоклик ҳисобланарди. Бунинг устига ўша йилларда баъзи тадқиқотчилар ўзбек тилида русча ўзлашмалар миқдори камайиб бормоқда, у аввалги йиллардаги 31,6 фоиздан 14,7 фоизга тушиб қолди, бу ҳол партиянинг «тиллар ва халқларни ўзаро яқинлаштириш, «жипслаштириш» (Н. Ғуломова, 1968) сиёсатига зиддир, бундай ҳолнинг юз беришида баъзи тилшунослар айбдордир, дея «иккинчи она тили»нинг тақдирига қайғураётган пайтлар эди. Шўролар тил сиёсатига кўра, миллий тилларда русча-байналмилал сўзларнинг ортиб бориши бу тилларда «Ягона луғавий фоннинг юзага келишига» пировардида бундай жараён «тилларнинг бирлашиб, қушилиб кетишига», ягона бир тилнинг юзага келишига йўл очмоғи керак. Демак, Олим Усмон ўт билан ўйнашарди. Энг асосийси шундаки, у ўз қараш ва ҳаракатларида деярли якка эди, уни қўлловчилар йўқ даражада эди. Аммо Олим Усмонга мадад берувчи мустаҳкам асослар мавжуд эди. Бу, аввало, ўша давр ўзбек тили луғати ривожланишидаги ҳаққоний анъаналар, ўзбек тили луғатининг кўпасрлик бойиш тажрибалари, энг муҳими, она тилининг ўз имкониятларига суяниб иш тутиш йўли эди. Олим Усмон қарашларининг қанчалик ҳаққоний ва истиқболли эканини ўзбек тилининг мустақиллик даври ривожи яққол кўрсатиб турибди. Эндиликда Олим Усмон бутун умри давомида ҳимоя қилиб келган сўз ва терминлар кенг истеъмолда, у ясашга улгурган ёки улгурмаган сўзлар ясалиб, кенг қўлланилмоқда.

Хуллас, Олим Усмоннинг бутун фаолияти она тили ривожи учун қайғуришнинг, тил истибдодига, тил соҳасидаги мафкуравий сиқиш ва зуғумларга қарши собитқадамлик билан курашишнинг энг ёрқин намунасидир.

Оллоҳга шукроналар бўлсинким, Олим Усмон бир умр орзу қилиб, гоҳ эркин, гоҳ эрксиз ҳолда талпинган, интилган оламда яшамоқдамиз. Эндиликда истиқлолга эришган ўзбек халқининг қадим табаррук тили давлат тилидир. Тилимиз эркин ривожланиш йўлига чиқиб олди. Бунда, кўриб ўтганимиздек, синчков, зукко тилшунос, она тилининг чинакам жонкуяри Олим Усмоннинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

**Эрнест БЕГМАТОВ,**
**филология фанлари доктори, профессор**

# Соҳибқирон ва қутлуғ хонадон

***Улуғ Амир Темурнинг оилага бўлган муносабати ҳақида нималарни биласиз? Бу хусусда тарихий манбаларда кўплаб маълумотлар келтирилган. Шу пайтгача олимлар томонидан Амир Темурнинг шахси, унинг оламшумул фаолияти қирралари кенг очиб берилди, лекин биз тилга олаётган мавзу ҳали етарлича ёритилмаган. Буюк соҳибқироннинг оила ҳақидаги қарашларини ўрганиш ўтмишнинг яна бир тарихий сабоқларини очади, албатта.***

### АМИР ТЕМУР ОИЛАНИ ҚАНДАЙ ТУШУНГАН?

Амир Темур оиласи – шоҳ хонадони.

Соҳибқирон ўз хонадонига келин ёки куёв бўлгуси йигит-қизнинг насл-насабини, маънавияти, сиҳат-саломатлигини суриштирган. У келин танлашга айниқса катта эътибор бериб, бу масалани ўз сиёсати даражасида билган: «Ўғилларим, набираларим ва яқинларимни уйлантирмоқ ташвишида келин изламоққа эътибор бердим.

Бу ишни давлат юмушлари билан тенг кўрдим. Келин бўлмишнинг насл-насабини, етти пуштини суриштирдим. Хос одамлар орқали соғлиқ-саломатлигини, жисмонан камолотини аниқладим» (Амир Темур ўгитлари).

Амир Темурдай зукко сиёсатчининг бу масалага жиддий қараши бежиз эмас эди. Келин танлаш оилавий аҳамиятга эга бўлса-да, шоҳлар хонадони учун бу иш ҳокимият масаласи, демак, эл-юрт тақдири билан чамбарчас боғлиқ эканлигини соҳибқирон чуқур англаган. Бунга шу масъулият нуқтаи назаридан қараб, маликаларни давлат шаъни ҳам деб билган эди. Улар гўзал, ҳусни комиллиги билан бирга ҳокимият қонун-қоидаларини тушуниши, давлатни собит ушлаб туришга кўмаклашишлари, назари тўқ бўлишлари керак эди. Чунки, мол-дунёга ўч, мушоҳадаси қисқа, жамият ҳаётига масъул хонадонга номуносиб аёл мамлакат заволига сабаб бўлишини тарих кўп бор исботлаган.

Бундан ташқари, маликаларнинг турли маросимлар, сарой ичидаги қонун-қоидаларни яхши билишлари, ана шу руҳда тарбияланган ва аввало илм-маърифатли бўлишлари назарда тутилган.

Амир Темур шоҳ авлодининг ҳам жисман, ҳам маънан баркамоллиги кўпроқ аёлларга боғлиқлигини яхши тушунар, шунинг учун келин – қизларнинг насл-насабида ўтган кишиларнинг қилган аъмолларини суриштирган эди.

Шаръий никоҳни муқаддас деб билган Амир Темур ношаръий муносабатларни қоралаб «Зинодан туғилган киши ўзига яхшилик қилган одамга ёмонлик қилмагунча дунёдан кетмайди» деб билган.

У оилада насл поклиги учун қатъий қайғуради:

«Ўғилларим, набираларим ва яқинларимга бирон томчи шароб ичиб, хотинларига яқинлашишни ман этдим. Зеро, шаробнинг таъсирида дунёга келган фарзанд насл-насабини бузилишига таъсир этгай, дебон шу покиза йўлни тутдим» (Амир Темур ўгитлари).

Амир Темур наздида оила муқаддас қўрғон, уни муҳофаза қилиш эса ҳар кимнинг улуғ бурчидир. У оилада ҳаммага, айниқса, аҳли аёли, қизларига ҳурмат кўрсатиш, эътиборли бўлишни буюрган эди.

Амир Темурнинг оиласини қаттиқ ҳимоя қилгани, эрларча қатъиятини Ибн Арабшоҳ келтирган бир воқеадан ҳам билиб олиш мумкин.

Боязид Елдирим ва Амир Темур ўртасидаги муносабатлар мураккаблашиб, зиддиятлар кучайган бир пайтда Боязид шундай хат юборади: «Агар сен биз томонга келмасанг, хотинларинг уч талоқ бўлсин. Агар сен менинг юртимга келсангу, мен сенга қарши қатъий уруш қилмай қочсам, у вақтда менинг хотинларим узилкесил уч талоқ бўлсин».

Хатнинг мазмунидан воқиф бўлган Темур «Ибн Усмон мажнун ва аҳмоқ» – дейди. Соҳибқирон бу хатдаги хотинлар зикр қилинган жойини ўқиб, хотима қилади. Чунки Ибн Арабшоҳнинг таъкидлашича, аёлларга тил теккизиш катта айб бўлиб, шоҳ хонадонида хотин-қизларнинг ҳатто исмини талаффуз қилмай, уларнинг ҳар бирини бошқа бир ибора билан атардилар.

Ва ҳаммага ҳам «бу нарсадан сақланинглар» деб доимо уқтирилган. Агар қиз туғилса, унда уни «пардалик бола» ёки «зийнат соҳиби», «мастура», ёхуд шунга ўхшаш иборалар билан атардилар.

Амир Темур мамлакат фуқаролари, уларнинг оилаларига ҳам ўз оиласига ғамхўрлик қилгани каби муносабатда бўлди.

«Қарши қалъасин забт этиб, музаффарлик туғи бирла қайтар эдим. Кечда Кўкбулоққа етиб, шу ерда тунамоқни ихтиёр этдик. Навкарларни хонадонларга тақсимлаб, ўзимиз сой бўйида яшил чодир тикдик.

Субҳидам атрофга разм солмоқда эдим.

Иттифоқо бир аёл кишининг от етаклаб, сой томон кетмоғига назаримиз тушди. Шунда бизни ўй чулғади. Мулозим йўллаб, ул ожизнинг эркагини топдириб келтирдик ва савол айладик:

– Нечук завжангизни от суғорғали йўллайсиз? От суғормоқ эркак кишининг хизмати-ку?

– Соҳибқирон, – жавоб айлади ул киши. – От боқиш ҳам от суғориш ҳам эркакнинг юмуши эканини биламан. Аммо уйимга қоплонсифат тўрт навкаринг тушибдур. Уларнинг ниятин билмасман. Шул боисдан аёлимни от суғормоққа йўллаб, уйда қолган икки бўйдор қизимни қўриқламоқ истадим...

Биз мулоҳазага берилдик. Ва ўз хатойимизни англаб, ҳамишаликка қарор бердик: Бундан бу ёғига навкарлар хонадонларга жойлаштирилмасин». (Амир Темур ўгитлари,

Ҳар бир шахс, аввало, оилада шаклланиши, инсон камолоти асослари оилада яратилишини, оила муҳофазаси жамият муҳофазасининг узвий қисми эканлигини соҳибқирон ана шундай англаган эди.

### АМИР ТЕМУР МЕҲРИБОН ОТА

Амир Темур ўз хонадонига мурувватли, меҳрибон ота эди. У ўз оталик аъмоллари билан барчага улуғ ибрат кўрсатган, соҳибқирон ўз фарзандларини, аҳли оиласини жон қадар суйган.

Сафар ва юришларда завжалари, болалари, набираларини тез-тез соғиниб қолар, уларни хат орқали чақиртириб, кўришганида хурсанд бўлиб, фақиру мискинларга садақа улашар эди.

Ҳатто Соҳибқирон набираси Халил Султонни икки ойлик гўдаклигига қарамасдан ҳам кўришни истагани ҳақида Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома» асарида зикр қилиб ўтади.

Амир Темур оиласи аъзоларини соғинганида иссиқсовуққа ҳам эътибор қилмас, не бўлса-да камоли соғинганидан уларни тезроқ кўрмоқ истаган.

Шарафиддин Али Яздий шундай воқеалардан бирини келтиради: «Мозандарон вилояти барча мусаххар бўлғонидин сўнг соҳибқирон фатҳномалар биттуруб, йахши бўлак билан ўғлонларига йибарди. Ва ўғли амирзода Шоҳруҳ билан набиралариким, амирзода Халил ва амирзода Рустам ва Султон Ҳусайнким, Ҳазратнинг қизидин эрди ва Мирзо Мироншоҳнинг қизини ва маҳди аъло Сароймулкхоним ва Туман ого ва ўзга оғоларни келтургали киши йибарди».

Сафар чоғи Сароймулкхоним томонидан «Фарзандлар барча саломат ва саодат турурлар. Ва ёрлиғиким, ул ҳазраттин келиб эрди, ўқуб кўзларимизга суртуб, бошларимизга қўйдук. Ва ушул замонда отланиб, Қаршиға етконда яна муборак ёрлиғингиз келдиким, «Ўғруқни қўйуб, бот келинглар». Аммо қудратулайн шаҳзода Шоҳруҳнинг муборак кўзига андак марази пайдо бўлди. Ул жиҳатдин тез юролмадук. Эмди заҳмат бикулли дафъ бўлди ва таъжил билан келурбиз деб арзадошт (хат) йиборилгани» ҳақида Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»сида ўқиймиз.

Соҳибқирон хонадонининг кўз қорачиғи ва чароғи бўлмиш амирзода Шоҳруҳнинг кўз оғриғидан хавотирланган Амир Темур фарзанд истиқболига шошилган ва йўлга отланган...

Амир Темур мустаҳкам иродали ота эди, у тангрининг иродаси ила бир неча бор фарзанд доғини кўрди.

Муаррихлар солномаларда шижоат соҳиби, жасур ва баъзан қаттиққўл деб таърифланган соҳибқирон дили аслида меҳр-мурувватга тўла эди. Унинг кетма-кет уч фарзанди ҳаётдан эрта кўз юмди.

Амир Темур ўғли амирзода Жаҳонгирнинг вафот этишини аввалдан ҳис қилиб, кўп изтироб тортди. Соҳибқирон «бир кеча шайх Бурҳониддин Қилични тушида кўруб, шайхдан илтимос қилдиким, «Ўғлим Жаҳонгир Самарқанд ичида хаста эрди. Анга дуо қилғил» ва шайх дедиларким, «Худойи била бўлғил» ва ўзга сўз демади.

Кўп паришон тушлар кўриб, хастаҳол ўғли борасида хотири ниҳоятда ташвишли эди. Амир унинг саломатлиги ҳақида хабар келтириш ва унга «ўзингни асрагин» деб насиҳат қилиш учун Йўлқутлуғ номли хос котибини юборади.

Бир неча кундан кейин Амир Темур Самарқандга яқин етганда шаҳар бузург ва донишмандлари мотам кийимида уни қаршилаган эдилар. Улар фиғон билан гулдек навниҳол ўғлидан (у 20 ёшда вафот этган) айрилганини айтадилар.

Шарафиддин Али Яздий бу оғир ғайғули ҳолни шундай ифодалайди:

Чу ул ҳолдин бўлди огоҳ амир,
Чиқиб жонидин нола ҳамчун нафир.
Икки кўзидин бўлди ёш ошкор,
Чу селики келгай ба вақти баҳор...

Бироқ тақдир Амир Темурга яна бир айрилиқ доғини тутади, энг суюкли қизи хасталикдан вафот этади. Бу мусибат Соҳибқиронни «дунёнинг иши ва кучидан тамом эликини ювар» даражада қайғуга солган. Унинг суюкли ўғли Умар Шайхнинг ҳам қазоси яқин эди.

«Йўлда кетаётган шаҳзода Бағдоддан тўрт манзил масофадаги Ҳармоту деб аталадиган манзилда сайр қилади. У ерда саноқли одамлар яшар эдилар. «Бир киши ўқ отаётган эди, тасодифан қазойи ногаҳондан бир ўқ келиб амирзодага тегди. У шу ондаёқ жойида ҳалок бўлди».

Икки марта фарзандидан айрилган Амир Темур учинчи фарзанди вафотидан «гарчанд аччиқ шарбатлар ютаётган бўлса ҳам, аммо тоғдек вазмин ва собитқадам (бир зот) эканлиги туфайли жасурлик мақомида туриб, сабру чидам либосини кийди», деб ёзади Шомий.

Амир Темур қазоси яқинлашганда ўғли Шоҳруҳ Мирзони кўрмай қолганини айтиб, уни кўришга қаттиқ илҳақ бўлган.

Шарафиддин Али Яздий келтирган маълумотга кўра, у улими олдидан шундай деган: «Вақт ва мундин ортиққа мажол йўқ турур. Аларким ғойиб турурлар ҳозир бўла олмаслар ва дийдор қиёматга қолди. Ва сизлар била тақи мулоқот ушбу турур. Биҳамдиллоҳким, диний муродотидин ҳеч нима кўнглимда орзу қолмай турур. Магар фарзанд Шоҳруҳимким, бу замонда ани кўрмадим».

Бугун ва келажак авлодлар тарихий манбаларни варақлар экан, буюк сиёсатчи, давлат арбоби бўлиш билан бирга оталик бурчини муқаддас деб билган Соҳибқирон Амир Темур ҳар жиҳатдан буюк ўрнак бўлиб қолаверади.

**Шоҳиста ЎЛЖАЕВА,**
**тарихшунос**

# КЎПИНЧА ҲАҚ ЁЗДИМ, БАЪЗИДА ОЗДИМ...

Академик шоир Ғафур Ғуломнинг 1963 йилда ёзган, ҳаёт сарҳисобининг меваси бўлган бир шеърида шундай сатрлар бор:

**Олтмиш йил оламни**
**қилиб томошо,**
**Нимани кўрибман,**
**таққослаб ёздим.**
**Мукаммал аниқлик**
**топа олгунча**
**Кўпинча ҳақ ёздим,**
**баъзида оздим.**

Қафасмонанд муҳитда бахтни куйлаган, замон зўрлигидан зада дилнинг изтиробли иқрори эмасми бу шеър?! Зотан, миллат фахри бўлган шоирнинг умри ҳам фақат байрамлардан иборат бўлган эмас.

Инсон ҳаёти чуқур драматизмнинг поэтик сурати бўлиб, шууримизда қад ростлайди, бу дилдан чиққан сатрлар. Зеро, ҳаёт фалсафаси охир-оқибат ҳақиқатга бориб туташади. Шеърият эса ҳаёт сирларини секин-аста, бироқ чуқур мушоҳада этишдир. Шоир шеъриятида акс этган ҳаёт фалсафаси эса тафаккурнинг эҳтиросларига бўйсунмайдиган, фақат ақл билан мулоҳаза юритадиган кенгликларидан ҳам ўз ўрнини шаксиз топа олади. Балки шу сабаб Белинский. «...Юксак маънодаги фан— фалсафа билан шеърият тенг ҳуқуқлидир», дея эътироф этгандир.

Ғафур Ғулом шеъриятида куйланган инсон дунёқарашида миллий тафаккур ва миллий шуурнинг ҳам ўз ўрни бор. Зотан, ўз тупроғида яшаб Ватандан ярим жудо бўлган, миллийлиги, тили, урф-одати чегараланган, ўз тарихи қолиб, ўзга халқ тарихини ўрганаётган миллатда миллий ифтихор туйғулари сўниб кетиши, асл ватан тушунчаси ўрнини мавҳум давлат тушунчаси эгалласа, ватанпарварлик туйғуси емирилиши табиий ҳол эди. Шоир миллатининг шуурида юз беражак ана шу фожиавий ҳолатни теран англаб етади. Шу боис у лирик қаҳрамони қарашларига «миллий мен»лик шуурини сингдиради. Энди у улуғ байналмилал қалб соҳиби сифатида гавдаланса-да, миллий ғурур ва миллий маънавият унга бегона эмас. Шу боис бу туйғулар гоҳ пинҳон, гоҳ ошкор, гоҳ киноя, гоҳ вазмин фалсафий мушоҳада билан шоир шеъриятида кўриниш беради. Миллий онгнинг, тафаккурнинг маҳсули сифатида талқин этиладиган бу туйғуни шеъриятига сингдиришга уриниш ҳодисаси Ғафур Ғулом шахсиятида сақланиб қолган «миллий мен»лик билан асосланади. Шоир шеъриятида миллий ғурурнинг ўзига хос илк кўринишини 1948 йилда ёзган «Алишер» шеърида учратиш мумкин:

**Алишер муштарий**
**юлдузи каби**
**Ўзбек осмонида**
**балқиган чоғи,**
**Яна бир муҳтарам**
**ўғил кўргандай,**
**Каттароқ очилди олам**
**кучоғи.**

Шоир ўзбек халқининг камситилаётган тарихи, маънавий ва маданий меросини улуғ бобокалонимиз ҳазрат Навоий сиймоси орқали тиклашга уринади. Иккинчи томондан эса «Муштарий» образи орқали унинг камситилаётганига ҳам ишора қилади. «Ҳайрат ул аброр»да дунё адолатсизлигига доир бир қиёс бор. Буюк шоир «наҳс» (кўплиги «нуҳусат») тимсоли «Кайвон» («Сатурн») билан бахт тимсоли «Муштарий» («Юпитер»)ни қиёслаган ва Кайвон юлдузининг ҳамиша юқоридаю Муштарийнинг қуйида келганини таъкидлаган эди:

**Ўйлаки, Кайвони**
**нуҳусат шиор**
**Ким еридур гумбази**
**нилий ҳисор.**
**Невчун эрур Муштарий**
**ондин қуйи**
**Қилмаса яхшини**
**ямондан қуйи.**

Кўринганидек, шеър икки қатламлик. Биринчи қатламда Навоий муносабати билан ғурур ифодаланаётган бўлса, иккинчисида, аслида эъзозга лойиқ миллатнинг топталаётганига ишора қилинмоқда.

Шоир тамоман сиёсий шеърларига ҳам ўз миллати тарихининг шонли саҳифаларини киритишга уринади. Унинг 1949 йилда, яъни «шахсга сиғиниш» яна бош кўтарган даврда ёзган «Шараф қўлёзмаси» шеърига этибор беринг:

**Қадим ўзбек халқисан**
**Асл одам авлоди.**
**Миср эҳромларидан**
**Тарихинг қарирокдир.**
**Хоразмнинг ҳар**
**ғиштида**
**Боболарнинг ижоди,**
**Англо-саксонлардан**
**Анча юқорирокдир.**
**Бизда логорифманинг**
**Мушкул муаммолари**
**Кўлдаги бармоқлардай**
**Оддий қилинганда ҳал**
**Олий ирқ даъвогари**
**Черчиллнинг боболари,**
**Ҳатто санай билмасди**
**Ўн бармоқни мукаммал.**

Шеърда бироз писанда, бироз истеҳзо ва бироз киноя мавжуд. Сўнг эса ўзбек мақолида айтилгани каби: «Қизим – сенга айтаман, келиним – сен эшит» тарзида сўз эгасини топишига ишора бор.

Шеърнинг шаклидаги мадҳия моҳиятан залворли миллий ифтихор туйғусини оширади. Ватани ва миллати тарихининг яхши билган шоир уни дунё тарихи билан ҳам усталик ила боғлай олади. Ундаги миллий ифтихор тор доирада эмас, балки қитъалар, қутблар, бутун инсониятнинг маданияти ва маънавиятидан туйган чексиз ғурури билан уйғунлик касб этади.

Шоир миллий қадр ва ғурур туйғусини энг «қизил» шеърлари мағзига ҳам ғоят усталик билан сингдира олади. Унинг тафаккуридаги мудом уйғоқ бу туйғу шеъриятида табиий оҳанг, қуйма, яхлит фикрлар билан мисраларга айланади ва шоирнинг дилини кемирган, бироқ тилига чиқмаган ҳадсиз ҳасратлардан дарак беради:

**«Бизни ҳомийлардан**
**ҳимоя қилгил»,**
**Деган Шарқ халқида**
**пичинг, дуо бор.**
**Хўш, жаноб олийлар,**
**қайси шўрли халқ**
**Сизнинг ҳимояга**
**қолмиш интизор?!**

Шоир ўта мафкуралашган тарғибот асарлари талаб қилинадиган, фикр ҳурлиги, сўз эркинлиги бўғилган даврда яшаб ижод қилди. Тўғри, унинг ижодида расмий давлат мафкурасига мослашган, коммунистик шиорлар уфуриб турган асарлар мавжуд эди. Бироқ шоир ижодида кўтарилган инсон ва замон фалсафаси, миллий ғурур ва ифтихор ифодаси ўзбек халқи маънавиятига қўшилган улкан ҳисса бўлди. Шоирнинг инсонпарвар лирикаси 60–70-йилларда ўзбек адабиётига кириб келган ёшлар ижодий йўналишини белгилаб берди. Ғафур Ғулом ўз шеърияти билан ўзбек халқининг топталаётган миллий ғурурини тиклашга ҳаракат қилди, миллатга миллий ўзлигини танитишга уринди. Унинг шеърлари ўз миллийлиги билан миллат қалбидан жой олди. Зотан, «...Улуғ шоир учун юқори даражада миллий бўлишдан бошқа катта шараф йўқ, чунки у бусиз улуғ бўла олмайди». (В. Г. Белинский).

Ғафур Ғулом шўро тузумининг турли найрангларини, қирғинларини, ноҳақликларини шоир бўлиб бошидан кечирди. Ҳар қандай шароитда ҳам миллат шоири, унинг кўнглини кўтаргувчи, келажакка умид ва ишонч билан қарашга ундовчи ўғли бўлиб қолди. У ўз ижодида миллийликни сақлади, миллатпарвар ва ватансевар юрак билан ижод қилди.

Истибдод даврида ҳам миллий тафаккур тарзини ўзида сақлаб қолган шоир шеърияти айнан шу каби фазилатлари билан 1980 йиллар шеъриятимизда яловбардорлик қилган, миллий истиқлол ғояларига пойдевор бўла олди. XX аср охири ва XXI асрда камол топажак янги адабиётда унинг инсонпарвар миллий шеъриятининг ҳам улуши бўлиши табиийдир.

**Гулноза ЭРНАЗАРОВА,**
**Қарши Давлат университетнинг аспиранти**

---

Илк қадам

# ИХЛОС

***Одатда, хонандалар эл-юрт тўйларида хизмат қилиб, олқиш олиб таниларди. Сўнгра катта саҳналарда ёки телеэкранда санъатини намойиш қилиб кўпчилик эътирофини қозона бошларди. Энди эса бироз бошқача — санъаткорлар кўпинча аввал ойнаи жаҳон орқали таниладилар. Лола Ражабова ҳам телеэкран орқали ўз мухлислари эътиборига тушаётган хонандалардан. Яқинда унинг «Айтолмасам», «Дейдилар», «Оқ булут» сингари янги қўшиқлари телетомошабинларга ҳавола этилди. Бу ўзига хос айтимлар, ўйлаймизки, кўпчиликнинг қалбидан жой олди. Лолахон билан мухтасаргина суҳбат уюштириш истаги пайдо бўлди.***

**— Лолахон,чекка бир қишлоқдан Тошкентга қадар масофани қўшиқ билан «ўтиб келиш» осон кечмагандир?**

— Албатта, лекин энди ўтган қийинчиликлар жуда оддий туюлмоқда. Чунки ҳақиқий ижод машаққати ва масъулияти ҳали олдинда. Буни кўз олдимга келтирсам, санъаткорга ҳеч қачон осон бўлмаслигини ҳис қиламан.

**—Ҳақиқий истеъдод соҳибининг илм олиши унчалик шарт эмас, деган мулоҳазаларга қандай қарайсиз?**

— Халқимизда «устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар» деган ҳикмат бежиз айтилмаган. Шу маънода санъаткорликни танлаган киши албатта эл эътироф этган устозлар мактабини ўтамоғи, маънавий пойдевор яратмоғи лозим. Бу фақат санъатга оид бирор илмгоҳни тугатишгина эмас, келажак учун зарур бўлган илм дурларини сабру чидам ва муҳаббат ила тўпламоқ ҳам деганидир. Вақт шошқалоқ бўлиб кўринганиданми, кўпчилик истеъдодини тезроқ намоён қилишни истайди. Енгилелпи қўшиқларнинг пайдо бўлаётгани ҳам шунга боғлиқ, назаримда.

**— Санъат институтини тамомлаган экансиз, мутахассис ҳамда хонанда сифатида қайси санъаткорлар ижоди сизни кўпроқ ўзига тортади?**

— Санъатга илк қадам қўйган кунимдан Ўзбекистон халқ артисти Юлдуз Усмоновага қаттик ихлос қўйиб келаман. Ижро ва овоз уйғунлиги «тош эритиш» қудратига эга деб биламан. Ўз овози, такрорланмас услуби бор ҳофизлар ҳамма учун севимли, албатта. Чинакам шоирнинг айтар сўзи бўлганидек, санъаткорнинг ҳам ўз айтар қўшиғи бўлса, дейман. Менинг орзуим ҳам айтар қўшиқларимдир.

**Нигора ЖЎРАЕВА ва Жаҳонгир ТЎЙЧИЕВ суҳбатлашди.**

---

Тикланиш ишлари

# ТРАҒЕДИЯ – ФОЖИАМИ?

***Санъатсеварларга тортиқ***

Яқин вақтга қадар драма ва театр ҳақидаги ўзбекча илмий-назарий қўлланма йўқ эди. Энди бу камчиликка барҳам берилди. Адабиётшунос олим Ҳафиз Абдусаматов «Драма назарияси» номли китобини чоп этиб, хайрли ишни бошлаб берди. Мазкур рисолада муаллиф драматургия тарихи ва назариясининг тараққий этишини илмий асосда тадқиқ этган.

Китобда маданиятимиз тарихидан сунъий равишда юлиб олинган драматурглар ва театр танқидчиларининг улуғвор номлари қайта тикланган ва уларнинг адабий мероси илмий-назарий тадқиқ этилган. Чўлпон ва Фитратнинг саҳна асарларининг назарий асослари ва уларнинг эстетик қарашлари батафсил ёритилган. Бу ҳол Фитрат ва Чўлпоннинг амалий-ижодий қиёфаси билан биргаликда илмни ривожлантиришдаги беқиёс хизматларини ҳам ўқувчилар кўз ўнгида ёрқин намоён этади. Чўлпоннинг «Ёркиной», Фитратнинг «Чин севиш», «Ҳинд ихтилолчилари», Ғулом Зафарийнинг «Ҳалима» асарларида конфликт, драматик ҳаракат, қаҳрамон, сюжет ва композиция масалалари қандай ҳал қилингани баён этилган. Пролог, эпилог, тугун, кульминация, ечим каби драманинг бўлаклари ҳақида ҳам етарли маълумот берилган.

Китобда драма турининг таҳлилига катта ўрин берилган. Масалан, трагедия ҳақидаги назарий хулосалар Ҳамзанинг «Заҳарли ҳаёт», Шайхзоданинг «Мирзо Улуғбек» асарлари мисолида баён этилган. Шунингдек, трагедия билан фожиа элементлари бўлган асарларнинг жанр хусусиятлари жиҳатдан фарқлари ҳам моҳирлик билан очиб берилган.

Трагедия жанрининг тараққиёт босқичлари бирма-бир баён этилиб, даврлар ўтиши билан унинг табиатидаги ўзгаришлар ҳам кўрсатиб ўтилган. Шекспирнинг «Отелло»си билан Фитратнинг «Абулфайзхон»и ўртасидаги жанр хусусиятлари муқояса қилинган.

Комедия деганда кўпчилик фақат кулгидан иборат асарларни кўз олдига келтиради. Китобда эса унинг рангбаранг хиллари — сатирик комедия, комедия-ҳазил, комедия-памфлет, фарсларнинг хусусияти билан танишиш мумкин. Маълумки, Абдулла Қаҳҳор комедия жанрида ҳам баракали ижод қилган. «Шоҳи сўзана»нинг «Оғриқ тишлар»дан, «Аяжонларим»нинг эса «Тобутдан товуш»дан жиддий фарқланиши кўрсатиб берилган.

Ўзбек миллий драматургияси ривожида энг кўп яратилган саҳна асари драма ҳисобланади. Муаллиф бир неча пьесалар мисолида драманинг ўзига хос хусусиятларини ифодалаб берган...

Тадқиқотчи драма турининг ўзига хос жиҳатларини ҳар томонлама кўрсатиш мақсадида унинг элементлари бўлган конфликт, ҳаракат, қаҳрамон, сюжет, композиция хусусида ҳам маълумот беришга интилган.

Умуман олганда Ҳафиз Абдусаматовнинг «Драма назарияси» номли рисоласи адабиётшунослигимиз тарихида биринчи умумлаштирувчи пухта назарий тадқиқот самарасидир. Унда драма назарияси ўзбек миллий драматургларининг эстетик қарашлари ва тажрибасидан унумли фойдаланилган.

Мазкур рисола драматургия тарихи ва назарияси ҳамда театр санъати билан қизиқувчи санъат ва маданият ихлосмандлари учун ҳам муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилишига шубҳа йўқ.

**Иззат СУЛТОН,**
**академик**
**Шерали ТУРДИЕВ,**
**филология фанлари номзоди**

---

Ёш овоз

# ОЙ ҚЎРҒОНИДАГИ ЮЛДУЗЛАР

Миллий қадриятларимиз равнақ топган сари маънавият дарахти ўзининг сархил меваларини кўплаб етилтирмоқда. Она алласидан тортиб, келин тўйларидаги ўлан айтишларгача, тўй-маросим ва турли байрамларда ижро этиладиган куй-қўшиқларгача ўз оҳангларини қайта жонлантириб, замонавий ҳаётимизга гуриллаб кириб келаётир. Бешик тўйи, чақалоққа исириқ тутатиш, чақалоқни илк бор бешикка белаш, болани илк бор чўмилтириш, кийим кийдириш, уни таништириш... – буларнинг замирида қанчалик турмуш ҳикмати мужассам. Юртимиз истиқлоли бу соҳаларда ҳам ўзлигимизни англаш имконини бермоқда. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти яқинда чиқарган «Ой олдида бир юлдуз» номли тўпламда (тўпловчи ва нашрга тайёрловчи – филология фанлари доктори Маматқул Жўраев, муҳаррир Назира Жўраева) ўтмиши бағоят бой халқимизнинг қадимий қадриятларидан саналмиш ўша удум ва анъаналари билимдонлик, фаросат, уқув билан ишонарли ёритилган.

Тўпламда халқимизнинг қадим-қадим маросимларида куйлаб келинган қўшиқларидан намуналар ўрин эгаллаган. Айниқса, «Олтин бешик тароналари», «Жарчи тўйга чорлайди», «Мубораклар бўлсин берган тўйингиз», «Келин келади лоладай», «Чимилдиғинг чип-чинор», «Осмонда ой туғибди», «Лапар айтсанг тўйда айт», «Дуо билан эл кўкарар» туркумлари ўқувчининг маънавияти, тасаввурларини янада бойитишга хизмат қилади.

Ўзликни англаш – асрлар синовидан муваффақиятли ўтиб келаётган маънавий меросларимиз маъно-моҳиятини тушуниш, унга қайта жон ато этиб, ҳаётимиз воқелигига айлантириш ҳамдир. Тўпламда жам этилган қўшиқларнинг халқона оҳанглари селида оқаркансиз, хаёлан олис мозийда яшаб ўтган аждодлар руҳи билан тиллашаётгандек ҳис этасиз ўзингизни. Шундай гўзал меросларимиз бугунги ҳаётимизда бизга ҳамроҳ бўлаётгани нақадар яхши!

**Азамат ТОИРОВ.**

---

Ўтмишни ўрганиш

# ШОШИЙНИНГ ШОҲ МАКТУБИ

... Бундан ўн асрча олдин Византия императори Бағдод халифасига қуйидаги мазмунда шеърий йўлда ёзилган хат йўллаган эди: «Биз шердек отилиб ўз ерларимизни фатҳ этдик. Дамашқ эса ота-бобомиз маскани эди, биз бу диёр мол-мулкига эга бўламиз. Мисрни ҳам яроғимиз билан эгаллаймиз. Бағдод, Ҳижоз, Шероз, Рай, Хуросон, Қуддус, шарқу ғарб – ҳаммасини фатҳ этамиз».

Бағдодда бунга муносиб дипломатик тарзда жавоб хати ёза билгувчи зукко кишини топиш маҳол кечади. Сарой аҳли Қаффол Шошийнига ғоятда нозик, масъулиятли бу ишнинг уддасидан чиқа олади, деган қарорга келадилар ва ундан бу ҳақда илтимос қиладилар. Сарой аҳли янглишмаган эди. Улуғ истеъдод ва тафаккур соҳиби Қаффол Шоший мазкур шеърий мактубни ўқиб, ундаги вазн ва шу қофияда Тағфурга араб тилида жавоб ёзади. Ушбу жавоб мактубининг 64 байти ас-Сонийнинг «Табақотуш Шофиия» асарида сақланиб қолган. Ас-Сонийнинг ёзишича, шеърий жавобни ўқиган Византия императори ва сарой аҳли ғоят таажжубланиб, бир-бирига «халифаликда биз бундай ўта билимдон зот борлигини билмас эдик-ку», дейдилар...

Бу улуғ зотнинг номи айни пайтда пойтахтимиздаги Ҳазрати имом мавзеси билан боғлиқлигини эҳтимол кўпчилик билмас. X асрларда Тошкентда етишиб чиққан энг йирик алломалардан бири машҳур қонуншунос, файласуф, тилшунос ва улуғ адиб Қаффол (Қаффол – арабчада, қулфсоз дегани. Айрим манбаларда келтирилган ривоятларга қараганда, Шоший қулф ясашга ҳам жуда уста бўлиб, ҳатто пашшанинг оёғига кишан – қулф ясай олади, дер эканлар) Шоший 903 йилда Чочда (ҳозирги Тошкент) таваллуд топди. Унинг тўлиқ исми Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил Қаффол аш-Шошийдир. Қаффол Шоший Хуросон, Ҳижоз, Бағдод, Дамашқ каби шаҳарларда ўз замонасининг машҳур олимларидан таҳсил олди. Араб олими Ибн Ҳалликон «Вафоёт ал-аъён» («Буюк зотларнинг вафоти») асарида Шоший ҳақида шундай ёзади: «Қаффол Шоший ҳадис илмини билган, тилшунос, шоир эди. Ўша даврда Мовароуннаҳрда унга тенг келадиган олим йўқ эди. Бу киши Хуросон, Ироқ, Ҳижоз, Шом, Сурия каби ўлкаларга саёҳат қилиб, ҳамма ерда ҳам улуғ ном таратди».

Қаффол Шошийнинг «Адаб ал - қози» («Қози феъл-атвори»), «Одоб албаҳс» (Баҳс одоби»), «Илмул жазал» («Мунозара илми») ва бошқа кўплаб асарлари ўз даврида катта шуҳрат қозонган. Алломанинг «Маҳосинуш шарияҳ» асари Дамашқдаги «аз-Заҳария» кутубхонасидан топилди ва ҳозирда унинг микрофилми Ўзбекистон Мусулмонлар идораси кутубхонасида сақланмоқда.

Араб, форс, туркий тилларнинг барча шеваларини мукаммал билган Шоший ўз юртида диний илмлардан сабоқ берган, кишилар маънавиятида иймон, эътиқод, инсофу диёнат тушунчаларини қарор топтиришга интилган илми комил, зукко киши бўлган.

Айрим манбаларда Қаффол Шоший ҳозирги Себзор ҳудудида яшаган деган тахминлар бор. У 976 йилда Тошкентда вафот этган, кейинчалик шогирдлари алломанинг қабри устига кичик мақбара қурадилар. Ҳозирги мақбара эса 1542 йилда Шош амири Бароқхон томонидан қурилган. Мақбара жойлашган мавзе Қаффол Шошийга нисбат берилиб, «Ҳазрати имом» (халқ талаффузида «Хаст имом») деб аталиб келинмоқда.

**Илҳом ШЕРМУҲАММАД**

---

Мурғак тафаккур

# БАҲС

Мен тортишувни яхши кўраман, кўпинча аям, укам билан баҳслашиб қоламан. Аямнинг башоратчи, фолбин, шунга ўхшаган ғайб олами билан «мулоқот»га киришувчиларга ончалик ҳуши йўқ. Шундай мавзуда нимадир ўқиб ўтирсам:

— Кучсиз одамлар ўқийди фолбин, башоратчилар ҳақида. Одам руҳан кучли бўлса, ўзидан-ўзи қувват олади. Бировнинг рост-ёлғон сўзидан эмас, — дейдилар. Мен эса уларни билиш, ўрганиш, кишининг ички дунёсини кенгайтиради, деб ўйлайман.

Укам ҳам шу: дастурхон атрофига ўтирдик дегунча:

— Қани айт-чи, ердан бошқа планетада бизга ўхшаган одамлар яшайдими? — деганга ўхшаган сўровбаҳсларни бошлайди.

— Албатта яшайди, балки кўплаб Ерлар бордир, олам катта, чексиз, — дейман.

— Йўқ, яшамайди, кел, минг сўмдан гаров ўйнаймиз, — дейди у.

«Бир нарсани исбот қилишга кетган кучингни бошқа яхши ишга сарфла, шунда кимлигинг билинади» — эътироз билдиради аям.

Мен эса ҳақлигимни ўша заҳоти исбот қилгим келади.

Хуллас, бизникида кўпчилик баҳсдан фойда йўқ, айниқса қиз болага яхшилик келтирмайди деса, яна бирови баҳс одамни ўстиради, дейди.

Баҳс ҳақида бошқалар қандай ўйларкин? Билгим келади.

**Орзу АЪЗАМОВА,**
**ўқувчи**

---



Чўққиларга туташган йўллар...

---

# ДИҚҚАТ, ОБУНА!

**Сиз севган «Миллий тикланиш» газетасига 2001 йил учун обуна давом этмоқда!**

**Юртимиздаги барча почта-алоқа бўлимлари бу борада сизга яқиндан кўмак беради, албатта!**

**Нашр кўрсаткичи: 158**

---

# ЁН ДАФТАРДАГИ ҚАЙДЛАР

Фойдали маслаҳат берган киши ҳам устоз саналади.

* * *

Қаламкашнинг бойиб кетганини кўрмадим, аммо унинг мағрурлигидан доимо фахрланаман. Чунки у ҳар қандай бойдан маънан устун юради.

* * *

Кимга ва нимага яхшилик қилишни билиш керак эди. Бизнинг фожиамиз ана шу ҳақиқатни билмаслигимизда!

* * *

Келажаги йўқ одам ўтмиши билан мақтанади, деб бошланар эди Ўткир Ҳошимовнинг ҳикояси. Бундоқ ўйлаб қарасак, шу ҳикматнинг ўзи бир асар экан.

**Муқимжон НИЁЗОВ**

---

Миллий Тикланиш
Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ўткир ҲОШИМОВ, Иброҳим АБДУҒАНИЕВ, Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ, Рустам ЖУМАЕВ, Ойдин ҲОЖИЕВА, Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Гуландом БОҚИЕВА, Дилором МАТКАРИМОВА (Бош муҳаррир ўринбосари), Шавкат АЛЛАНАЗАРОВ (масъул котиб), Холли НОРБОЙ, Наврўз ЖЎРАЕВ (иқтисодий ишлар бўйича масъул)

Газета 00136-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 1152.
Сотувда нархи эркин.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Саҳифаловчи: Бахтиёр ҚЎШОҚОВ.
Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди.
Босишга топшириш вақти 20.00
Босишга топширилди 20.30

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30 - уй
Тел: 144-81-28.

Навбатчи — Шерали НИШОНОВ.